

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

“Ҳимояга рухсат этилсин”

Факультет декани

_____ Пс.ф.н.доц.Н.Бекмуродов

“_____” _____ 2013 йил

5140800 –Педагогика ва психология йўналиши

**ТУРСУНОВА НОЗИМАХОН ОТАБЕК қизининг
ЎСМИРЛИК ДАВРИДА ХАРАКТЕР АКЦЕНТУАЦИЯСИНING
ШАКЛЛАНИШИГА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАЪСИРИНИНГ
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ
мавзусидаги
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Талаба: _____ Турсунова Н.

Илмий раҳбар: _____

пс.ф.н.Ниёзметова Г.И

Такризчи: _____

_____ пс.ф.н.доц.Турсунов Л.С

Такризчи: _____ Ботиров Б.М

“Ҳимояга тавсия этилсин”

Амалий психология кафедраси мудири:

_____ пс.ф.н.доц.С.Х.Жалилова

“_____” _____ 2013йил

Тошкент- 2013

Мундарижа

Кириш	3-6 б.
1-боб. Характер муаммоси психологик тадқиқот объекти сифатида	6-24б.
1.1. Шарқ мутафаккирлари таълимотида характер муаммоси.	6-16 б.
1.2. Ўзбекистонлик ва рус психологлари тадқиқотларида характер муаммосининг ўрганилиши	7-23б.
1-боб бўйича хулосалар	23-24 б.
2-боб. Оилавий муносабатларнинг ўсмир характер акцентуацияси шаклланишига таъсири муаммоси таҳлили	25-36 б.
2.1. Психологияда ота-оналарнинг фарзандларига муносабатлари муаммосининг тадқиқ қилиниши	25-29 б.
2.2. Ўсмирларда характер акцентуацияси ва характернинг шаклланиш омиллари	29-35 б.
2-боб бўйича хулосалар	35-36 б.
Ш-боб. Ўсмирлик даврида характер акцентуацияси шаклланишига оилавий муносабатлар таъсирининг психологик хусусиятларини экспериментал ўрганиш	36-50 б.
3.1. Ота-оналарнинг фарзандларига бўлган муносабатларини ўрганиш натижалари	36-44 б.
3.2. Ўсмирларнинг оилавий ҳаётга муносабатлари ва характер акцентуациясини ўрганиш натижалари.	44-49 б.
3-боб бўйича хулосалар	49-50 б.
Хулоса ва тавсиялар	51-52 б.
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	53-54 б.
Илова	57-66 б.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик жамияти қуриш жараёнларида оилани мустаҳкамлаш, унда соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштиришга қаратилган сиёсати баркамол ёш авлодни тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Оила соғлом экан жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан мамлакат барқарордир”(1,586.). Оила муҳитининг соғломлиги уни ташкил этувчи аъзолар эр-хотин, ота-она бола, қайнона-келин каби мураккаб ўзаро муносабатларнинг табиати ва уларни бошқариш йўлларига боғлиқ.

Оила ижтимоий институти ва унда ҳаёт кечираётган инсонлар ўртасидаги мулоқот ҳар доим ҳам самимий, ижобий бўлавермайди. Оила ўз ҳаёт циклида ҳамиша бир текис давом этавермайди. Оила шахс шаклланишида, унинг комил инсон сифатида вояга етишида катта роль ўйнайди. Айниқса, шахснинг индивидуал психологик хусусиятларидан бўлмиш характернинг шаклланишига ижтимоий муҳит, хусусан, оила, унда ўрнатилган тарбия услублари, ота оналарнинг фарзандларига муносабатлари таъсир кўрсатади.

Ҳозирги даврда ижтимоий турмушнинг турли соҳалари бўйича юз бераётган ўзгаришлар, туб ислохотлар жамиятда янгилашнишларни яратишга, фуқаролар фаровонлигини оширишга, ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришга йўналтирилган. Мазкур ижтимоий воқеликлар, ҳодисалар рўёбга чиқишининг негизида, жумладан, ўсмирларда характер хусусиятларини шаклланиши муаммоси ҳам ётади. Ўсмирларда характер хусусиятлари шаклланиши муаммосининг долзарблиги “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури”нинг амалга оширилиши билан ҳам бевосита боғлиқдир. Ушбу муаммо мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асарларида, Олий мажлис сессияларида психологиянинг соҳасига оид адабиётларда кўп марта ёритилган. И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида” ва “Ўзбекистон янгилашниш ва тараққиёт йўлида” номли асарларида кўрсатиб

Ўтганидек, Ўзбекистон республикаси инсонларнинг руҳиятини шакллантиришга жиддий таъсир қиладиган улкан ижтимоий иқтисодий ислохотларни амалга оширмоқда. Инсонларнинг фаровонлиги аввало, уларнинг ўзига, уларнинг янгича шарт шароитларга ва муносабатларга қанчалик тайёр эканлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шахсда индивидуал психологик хусусиятларнинг шаклланиши, шахснинг ривожланиши илк болалик давридан бошланади. Ўсмирлик даврида характер хусусиятларини шаклланиши эса уни шахс сифатида камол топтиради ва интеллектини юқори босқичга кўтаради. Бинобарин, Республика Президенти томонидан ўринли эътироф этилганидек, “Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият асб этади. Ҳар қвйси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур барча шарт-шароитлар яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан ҳалос бўлади. Ва ҳар қайси инсон ноёб қобилиятли ва истеъдодини, аввало, ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ баҳшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръати ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар” (2, 18б.).

Мазкур нуқтаи назардан ҳар бир ўсмирда шахс фазилатларини, характер хусусиятларини шакллантириш жараёнига жиддий эътибор қаратиш орқалигина ижтимоий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлаш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, шахс аввалом бор оилада шаклланади. Унинг шаклланишига қатор психологик омиллар таъсир кўрсатади. Оиладаги маънавий-психологик иқлим, оиладаги шахсларо муносабатлар, ота-оналарнинг фарзандларига бўлган муносабатлари, оиладаги турли низолар натижасида характернинг салбий хислатлари, шунингдек, характер акцентуацияси ҳам юзага келиши мумкин. Шу сабабли

ҳам ўсмирлик даврида характер акцентуацияси шаклланишига оилавий муносабатларнинг, хусусан, ота-оналарнинг фарзандларига бўлган муносабатлари таъсирини ўрганиш долзарб мавзулардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади – ўсмирлик даврида характер акцентуациясининг шаклланишига ота-оналарнинг фарзандларига муносабатлари таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот предмети – ўсмирлардаги характер акцентуацияси типлари ва ота-оналарнинг фарзандларига муносабат хусусиятлари.

Тадқиқот объекти – Тошкент шаҳридаги 81-мактабнинг 9-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари.

Тадқиқот вазифалари :

1. Психологик адабиётларда характер ва характер муаммосининг ўрганилганлик ҳолатини таҳлил қилиш.
2. Ота-оналарнинг фарзандларига бўлган муносабатларини шахс шаклланишига, хусусан, характер ва характер акцентуациясига таъсири муаммосини назарий жиҳатдан ўрганиш.
3. Ўсмирлик даврида характер акцентуациясининг шаклланишига ота-оналарнинг фарзандларига таъсирининг психологик хусусиятларини экспериментал жиҳатдан тадқиқ этиш.
4. Экспериментал тадқиқот натижаларини қайта ишлаш, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот фарази – ота-оналарнинг ўз фарзандларига бўлган деструктив муносабатлари билан ўсмирларда характер акцентуацияси шаклланиши ўзаро детерминациялашган бўлиши мумкин.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотимиз мақсад ва вазифалари ҳамда илгари сурилган илмий фараздан келиб чиқиб, қуйидаги методлардан фойдаланилди:

- кузатиш, суҳбат;
- тест, хусусан, Варга-Столиннинг “Ота-оналарнинг фарзандларига бўлган муносабатларини аниқлаш” тест-сўровномаси;

- Т.Шрайбер томонидан таклиф этилган “Оиладаги ҳаётга муносабат” методикаси;
- Шмишек томонидан таклиф этилган “Ўсмирларда характер акцентуациясини аниқлаш” тест-сўровномаси;
- натижаларни математик қайта ишлаш методлари.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотдан олинган натижалар, назарий таҳлиллар психологиянинг муайян соҳалари, хусусан, умумий психология, ижтимоий психология, оила психологияси, ёш даврлари психологияси, психодиагностика фанларини янада бойитишга хизмат қилиши мумкин. Экспериментал текширув бўйича қўлга киритилган маълумотлар таълим муассасаларида фаолият юритувчи амалий психологлар томонидан ўсмирлар билан ишлашда самарали қўлланилиши мумкин.

1-боб. Характер муаммоси психологик тадқиқот объекти сифатида.

1.1. Шарқ мутафаккирлари таълимотида характер муаммоси.

Шарқ мутафаккирлари таълимотида характер муаммоси махсус тарзда тадқиқ этилмаган бўлсада, уларнинг асарларида мавзуга доир баъзи мулоҳаларни учратиш мумкин.

Мухаммад Ризо Огаҳий ўтмишдаги олимларнинг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларидан фойдаланиб, ўзининг шахсий тажрибасига таяниб, ижтимоий-сиёсий ҳамда педагогик масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилади. У инсон характери тўғрисида фикр юритат экан, унинг ижтимоий мавжудот эканлигини, қолаверса, у фақатгина жамиятда, жамоада ижтимоий муносабатларнинг натижасида камол топишини уқтиради.(24).

Огаҳий ота-оналарга қарата, болани инсоннинг характер фазилатларини таълим-тарбия жараёнида эгаллаши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди. У ушбу фикрини ривожлантириб, боланинг ёши улғайиши билан унинг биологик органлари мустаҳкамланади, умумий ҳодисаларни ҳамда мураккаб нарсаларни билишга интила боради, нарса ва ҳодисаларни, яхшилик ва ёмонликни бир-биридан ажратадиган бўлади, умумий воқеликларни била бориши билан унинг ақли, тафаккури, салоҳияти такомиллашади, онги ўса бошлаши юзасидан хулоса чиқаради.

Огаҳий ёшларнинг илм олиши характернинг ижобий хусусиятларини шакллантиришнинг омили эканлигини таъкидлайди. У инсоннинг умумий тушунчалари моҳиятини тушуниши фақат ақлий ривожланиши билан рўй беради, деб ҳисоблайди ҳамда ақл ривожланиши натижасида инсон ташқи дунёни ва ижтимоий ҳодисаларни билиши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди.

Огаҳий инсон характерининг иродавий хусусиятларига ҳам юқори баҳо беради. У қўрқоқликни шижоат ва мардликка қарама-қарши қўяди. Айрим кишилар қийинчиликлардан қочадилар, енгил ҳаёт кечиришнинг

йўлини ўйлайдилар. Шундай кишиларни у юраксиз, ромард ҳисоблайди ва уларни қаттиқ танқид қилади. Шундай қилиб, ақлли, баркамол ва сабр-матонатли кишиларнинг фаолиятинигина шижоат ва мардлик деб баҳолайди.

Мутаффакирлар таълимотини ўрганиш орқали ўсмирлар характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларни шакллантириш мумкин. Уларнинг ичида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида комил инсон ва эзгулик, адолат, маърифат ва одоб-ахлоқ ҳақидаги ғоялар Кунтуғди, Ойтўлди, Ўғдулмиш, Ўзғурмуш образлари орқали гавдаланган. Шу ўринда “Қутадғу билиг” асарида баён этилган бир ҳикоянинг мазмун-моҳиятини ўсмирлар онгига сингдириш ғоят муҳимдир. Кунлардан бир кун ақл-заковатда тенги йўқ вазир Ойтўлди ўз умрининг охирги дақиқалари яқинлашиб қолаётганлигини сезиб, ўғли Ўғдулмушга шундай ўғит беради: “Менинг ягона ташвишим сенинг кейинги ҳаётингдир. Отанинг иш-амали фарзандига сингса, унинг хулқида жилвагар бўлади. Кимки фароғатли кунни истаса, у феъл-атворини созлаш, тўғрилиқ ва ростликни мустаҳлаши лозим. Барча сўзни эшит, аммо дарров ишона қолмагин, уни мантиқ тарозисига солиб кўр, ўз сирларингни ҳар кимга оча кўрма, юмшоқ кўнгиллик одатинг бўлсин. Ҳасаддан йироқ тур. Бироқ ишда шошилма. Сабр-қаноат қил. Йўл-йўриқнинг ўртачасини тут. Тилингни ҳам, бўғзингни ҳам, кўзингни ҳам асра. Хиёнат элидан четда бўл. Ўзингга лойиқ билмаган зиёни ўзгаларга ҳам лойиқ билма. Ҳазабингни бос, доимо оқиллик қил. Сабр қилиш ҳам жасурлар иши”.(29).Юқоридаги фикрларда инсон характерининг хусусиятларини шакллантири тўғрисида чуқур мулоҳаза ётади. Билдирилган ўғитлар шахс характерининг ижобий сифатларини ўакллантиришга аҳамияти катта.

Ахмад Югнакий “Ҳибатул ҳақойиқ” достонида илмни қадрлайди, илмни кишига бахт-саодат йўлларини очувчи омил сифатида тасвирлайди, ростгўйлик, тўғрисўзликни олқишлайди, жоғиллик, чақимчилик, лақмаликни инсон бошига ғам-ғусса келтирувчи иллат сифатида

коралайди. Унинг асарларидаги илм ўрганиш, ўзини тутиб, жоҳиллик қилмаслик ҳақидаги фикрлар шахсда интеллект ва иродани шакллантиришга ундашни англатади. Унингча, ақлий ва иродавий сифатли кишилар илм-фанга интилади ва бошқа одамлар қртасида ўзини тутиб, ижобий характер хусусиятларини кўрсатади(34).

Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида яхшилик ва ёмонлик тўғрисида фикр билдириб, яхшилик ва ёмонлик тўғрисида фикр билдириб, яхшилик бахт-саодат келтиришини, ёмонлик эса кишига бахт-саодат келтирмаслигини айтади. У кишиларни шижоат, саховат, иффат, садоқат, жасорат, матонатли, мустақил фикрловчи, тартибли, одобли одам бўлишга даъват қилади. Унинг “Бахт-саодатга эришув ҳақидаги” рисоласида таълим-тарбия бериш асосида инсоний хислатларни ўргатилиши ҳақида гапириб, одамнинг ҳоҳиши, қобилиятини, характери ва иродасини билмай, аниқламай туриб, кутилган натижага эришиб бўлмайди, деб уқтиради. Унинг ёзишича, халқлар ва шаҳар аҳлларида ахлоқ, одоб, расм-русум, касб-ҳунар, одат ва иродани таркиб топтириш учун зўр куч-қувват талаб қилинади(4).

Булар унда ҳосил қилинади, кишиларнинг характер хусусиятлари камол топади. Форобий талқинича, Фозил инсон тушунчаси комил инсон тушунчасига синоним бўлиб, шахс характерида интеллектуал-иродавий сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор қаратилиши лозим. Чунки фозил одамларда бу хусусиятлар шаклланиши давр тақозосидир.

Абу Райҳон Берунийнинг таълим ҳақидаги фикрларини қрганиш, энг аввало, уни илм олиш ва билишдаги таълим узвийлиги, ўқиш, ўқитиш, ўқув қуроллари, ёзув белгилари ҳақида айтган фикрлари юксак дид маҳсули эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Беруний жаҳон фанида ҳам биринчилардан бўлиб, қиёсий тарбияга оид фикрлар билдирилган (34).

Беруний ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини асосан “Қадимги халқларнинг ёдгорликлари”, “Ҳиндистон”, “Минерология” каби асарларида баён этган. Шунингдек, Беруний таълим-тарбияга ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиш, машғулотлар давомида уларнинг зерикиб қолмаслиги учун билим беришнинг турли йўллари, шакл ва услублари устида шундай ёзади: “Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиктириб қўймасликдир. Ҳа деб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қилади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас бошқа бир боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. Ҳар бир янги нарса кишига роҳат бағишлайди, деб беҳуда айтмаган.

У инсонда доимо интеллектуал сифатлар янгиликларни билишга қизиқиш мавжудлигини таъкидлайди. Беруний мазкур жараёнда инсон характерининг интеллектуал-иродавий сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг шарт-шароити ва механизмларини яққол кўрсатиб беради.

Кайковус “Қобуснома” да дунёда инсоннинг билмаган нарсаси йўқлигини таъкидлаб, уни табиат оламида буюк бир дунё деб билади ва ҳар бир нарсани онгидан ўтказувчи қудратли ақлга, интеллектга эга эканлигини таъкидлайди. Инсоннинг зарурий хусусияти ҳақида шундай фикрни уқтиради: “Сукрот ҳаким деган эдики, ҳунардан яхшироқ нарса йўқдир, бадхўйликдан ёмонроқ нарса йўқдир”. Кайковус ёшларни мард жувонмард бўлишга ундаб, жувонмардликни уч асосий гуруҳга бўлиб: “бири – айтган сўзингни ўзинг бажарсанг, иккинчиси – тўғрилиқка ихлос қилсанг, учинчиси – хайрни кўзда тутсанг”, - дейди ва бу хислатнинг инсон характери шаклланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Кайковуснинг фикрлари инсон характерининг ижобий сифатларини шакллантириш тўғрисида боради. Бунда танқидий фикрлаш, мустақил фикрлаш, маҳсулдорлик, иродавий сифатлар – ўзини тута билиш,

ботирлик, матонатли бўлиш ҳақида мулоҳаза билдирилади. Мазкур сифатлар инсон характерида шаклланса, у баркамол инсон бўлиб етишади.

Тасаввуф ислом маърифатини тарқатувчи, ҳаётийлаштирувчи илғор инсонпарвар таълимотдир. Тасаввуф тадрижий равишда, мусулмонликнинг буюк фалсафий таълимотига айланди. Нафсга, ҳирсга, бойликка, барча салбий иллатларга қарши тасаввуфнинг мағзи ҳисобланади. У – бойликка ружу қўйишдан, мол-дунёга ҳирс боғлашдан, ахлоқсизликлардан юз ўгириш ғоясини илгари сурган таълимотдир. Унинг бош мақсади инсонни комиллик сари етаклаш ва уни васлга восил қилмоқдан иборат. Бунинг учун эса, инсон характерининг ахлоқий хусусиятларини қўйиш шарт эди (34).

Ахлоқшунос Ар-Розий кишилардаги манманликни қоралаб, ундан ҳалос бўлиб учун ҳам бошқалар билан ўзини таққослаб кўришни маслаҳат беради. Бироқ инсон ўзининг ижобий фазилатларини кўра олмаслиги ва шу боис ўзини ерга уриши ҳам жиддий нуқсон. Ар-Розий ҳасадгўйлик, сержаҳллик иллатлари инсон ҳаётида салбий аҳамият касб этишидан одамларни огоҳлантиради. Айниқса, ёлғончилик шундай иллатки, у одамни шарманда қилиб, бошқаларнинг унга нисбатан нафрат билан муносабатда бўлишига, биродарлари ишончининг йўқолишига олиб келади. Ар-Розий бефойда, тушкунликка туширувчи ўй-ҳаёллардан узоқ бўлишга шахсни чақиради. Салбий сабаблар кишига ўз мақсадларини рўёбга чиқаришига ҳалақит беради. Доно одам эса вақти-вақти билан дам олиб, хурсандчилик қилиб, кайфиятини кўтариб туради. Хафақонлик киши руҳини тушириб, уни умидсизлик сари етаклайди. Бундай кайфиятдан қутулиши учун киши содир бўлган ёки кутилаётган қувончли воқеа-ҳодисаларни кўз олдига келтириши, ўзини овутадиган бир фаолият билан шуғулланиши жоиз.

Абу Бакр ар-Розий (34) руҳимизни чиниқтиришимиз, синашимиз, унинг таъсирини қабул қиладиган ёки рад қиладиган ақлга бўйсундиришимиз лозим, дейди. Биз шундай қилсакгина у бутун поклиги

билан намоён бўлади ва бутун борлиги билан нур таратиб, бизни интилаётган мақсадимизга олиб боради.

Ал-Хоразмий кишиларнинг хуш ахлоқли, ижобий сифатлар, фазилатлар соҳиби бўлиши тарафдори. Унинг фикрича ҳар ким ўз фълига яраша ҳурмат-эътибор қозонади, юксакликка кўтарилади. Бошқаларга яхшилик қилиш, саҳий мурувватли бўлиш барчанинг вазифаси эканлигини уқтириб, аллома “Яхшилик шон шуҳратга ўхшайди. Бошқалар ундан қанча ҳазар қилсалар-да, мурувватли киши шон-шуҳрат топади”, - дейди(24).

Абу бакр Ар-Розий каби ал-Хоразмий ғазабланиш, хафагарчилик қандай нохуш оқибатларга олиб келишини айтади: “Ғазаб ҳурмат-эҳтиромни унутишга, хайрли ишларни йўққа чиқаришга хизмат қилади”. бунда инсон характерининг салбий иллатлари танқид қилинади. ва ижобий сифатлар ривожланиши комил инсон шахси шаклланишининг омили эканлиги далилланади.

Фирдавсий 30 йилдан ортиқроқ вақт давомида “Шоҳнома” асарида ҳалол меҳнат, ахлоқий поклик, одил подшоҳ ғоялари куйланади. Айниқса, ундаги “Рустам ва Сухроб” қиссасида Фирдавсийнинг ахлоқий-маърифий қарашлари мужассамланган.

“Авесто” китобида ҳам инсон характери тўғрисида фикрлар мавжуд бўлиб, улар савол-жавоб тарзида берилган(21). Масалан, қайси характер яхши? деган саволга шундай жавоб берилади: ўзини тута билиш. Бу фикрда инсон характерининг иродавий хусусиятларини шакллантириш тўғрисида мулоҳаза юритилади. “Авесто”даги эзгу сўзлар реал ва руҳий оламга баб-баравар тегишлидир. У инсоннинг жисми ва руҳини поклашга, жисмоний ва маънвий етукликка хизмат қилади. Унинг қалби эзгу ниятлар ва Тангрига садоқат туйхуларини уйғотади, ёвуз кучлар кирдикорларини фош қилади.

Инсон характерини белгиловчи бешта асосий хусусият “Авесто”да таърифланган. Улардан иккитаси бевосита эзгу сўзга алоқадордир. Булар

сўзнинг аниқ ва маъноли бўлиши ҳамда Олий Тангри Ахура Маздага эътиқод фақат эзгу сўз билангина ифодаланишидир.

Китобда “бурч”, “саҳийлик”, “яхши ниятни ифодаловчи сўз” каби мулоҳазаларни учратиш мумкин. Инсон фаолиятининг воситалари сифатида ақл, билим, одоб эзгу иш билан уйғунлашган эзгу сўз ҳам қайд этилади.

Қадимда кишиларнинг сўзда сеҳр бўлиши ҳақидаги қарашлари “Авесто”да ҳам акс этган.

Имом ал-Бухорий асарларида инсон характериға таъсир этувчи иккинчи воситадир, деб айтиш мумкин. Ибодат деганда фақатгина намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва ҳаж амалларини бажаришгина бўлмасдан, балки сабр-тоқатли бўлиш, нафсни тийиш, тозаликка риоя қилиш ва ёмон иллатлардан сақланиш назарда тутилади. Бу фикрларнинг барчаси инсон характерининг иродавий хусусиятларини шакллантириш лозимлигидан далолатдир(34).

Ибодатлар ислом таълимотига кўра, ҳар кимдан имконияти даражасида талаб қилиниши таъкидланади. Амал тушунчаси иймон ва ибодат каби тушунчалардан фарқ қилиб, кўпроқ инсоннинг иродасига, ҳохишиға боғлиқдир. Ёш авлоднинг характерини шакллантиришда амал тушунчасининг аҳамияти каттадир. Ал-Бухорий асарларида таъкидланишича, инсон қилган амали туфайли камолотға ёки инқирозға боради.

Абу Наср ал-Фаробий инсон шахси шаклланиши, характери ривожланиши, инсон камолоти масаласи устида тадқиқотлар олиб боради. “Инсонға, - дейди ал-Фаробий, - унинг қўйган мақсадларини амалға оширишиға ёрдам берадиган кучлари, қобилиятлари ва ўрганган ҳаракатлари инсон яхшилигидир. Инсонға унинг олдиға қўйган мақсадларини амалға оширишиға ҳалақит берувчи кучлари, қобилиятлари ва ўрганган ихтиёрий ҳаракатлари инсон ёмонлигидир”.

Ал-Фаробий назарий билимларни ўрганишга киришган ҳар бир инсоннинг ахлоқ-одоби ҳам юксак даражада пок бўлиши кераклигини таъкидлаб, бунга хулқ-ахлоқни фақат сўздагина эмас, балки ҳақиқатда тозалаш орқали эришиш мумкин. Хато ва адашишдан сақловчи, ҳақиқат йўлини тутиб олишга бошловчи нафси, жонини, руҳини тозалаш зарур эканлигини уқтиради(4).

Ибн Синонинг этик қарашлари унинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий ғояларидан келиб чиқади. Бу эса буюк олим фикрларининг чуқурлигини ва уларнинг тараққийпарвар эканлигини кўрсатиб беради.

Ахлоқ масалалари Ибн Синонинг ижодида кўп ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, одамларнинг хулқ-атвори ва ишларига қараб яхшилик ва ёмонликни билиш мумкин. У ўзининг “Аksam ал-улум ал-ақлийа” асарида ахлоққа қуйидагича таъриф беради: “бу фан инсон ўзининг хулқ-атвори қандай бўлишини билиши ҳақидаги фандир”. Ибн Синонинг ёзишича, дунёдаги мавжуд бўлган барча нарсалар, ўзининг табиатига кўра, такомиллашишига интилади. Айнан бу такомиллашишга интилиш моҳиятига кўра яхшиликдир. Предмет шаклида берилган яхшилик, шу предметнинг такомиллашишига интилишни кўрсатади. Ўз-ўзидан яхшилик Ибн Синонинг фикрича, фаоллик категориясига киради. Унинг фикрича, ёмонлик предметнинг моҳиятида бўлиб, уни такомиллашиш имкониятидан бенасиб қилиб, ҳатто ривожланишни тўхтатиб туради. Олим айтадики, бундай ёмонликни четлаштириб, йўқотиб ташлаш керак. Ибн Синонинг фикрича, ҳар бир предметда ҳар хил қобилиятлар мавжуд. Шунинг билан бирга у айтадики, қобилият тушунчасини имконият тушунчасидан фарқлаш лозим.

Ибн Сино бўйича дунёда ўундай уйғунлик борки, ёмонлик эса унга таркибий қисм сифатида киради. Тана заруриятдан бир-бири билан боғланганлиги учун ҳам ёмонлик зарурдир. Шунинг учун улар бир-бирини йўқ қилади, шунда у олов сифатида ёнади ҳамда инсонни қуйдиради. Ибн Синонинг таъкидлашича, олов олов бўлсин, инсон эса инсон, чунки олов

одамни куйдирмасин, аммо бундай бирлашиш ҳеч қачон пайдо бўлмаган. Шу нарса маълумки, ёмонлик, бузилиш ва касаллик заруриятида келиб чиқади. Улар мақсад ҳисобланмайди, аммо улар бўлиб ўтади. Яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги масалани тушунтирганда Ибн Сино ўз олдига лаззат ва алам каби ҳолатларнинг моҳиятини очиб бериш вазифасини қўяди.

Ибн Синонинг нуқтаи назарига кўра, яхшилик ва ёмонлик, лаззат ва алам атамалари асосий ахлоқий категориялар ҳисобланади. Асосий ахлоқий қадрият адолат ҳисобланади. Ибн Синонинг қўзғатувчилар ҳақидаги фикрлари қизиқарлидир. У қўзғатувчиларни учта турга ажратади:

- инстинктлар билан пайдо бўладиган ҳиссий қўзғовчилар(жинсий ҳирс, берилиш, мазали овқатга истак, чиройли кийимга истак);
- ғазаб ва бошқа кучли маънавий ҳислар билан пайдо бўладиган қўзғовчилар(қўрқиш, айта олмаслик, алам, нафрат, ҳасад, рашк);
- онгли қўзғовчилар (жиддийлик, ўзини тута билиш, адолатлилик, донишмандлик).

Онгли қўзғовчилар билан боғланган инсоннинг асосий ижобий сифатларига Ибн Сино қуйидагиларни, яъни ўзини тута билиш, донишмандлик, ботирликни киритади. Бу учта ижобий сифат жамланганда адолатлиликни ташкил қилади. Агар инсонда шундай сифатлар мавжуд бўлса, унда у ўзининг инстинктларини жиловлаб, ўзида яхшилик бошланишини мустаҳкамлайди, шунинг билан ҳақиқий маънавий лаззатланиш тус олади. Онг эса нарсаларни алоҳида кўради, - деб ёзади Ибн Сино. Қандай бўлса шундайлигича, ёки ҳеч ҳам кўрмайди. Ҳиссиёт эса қўпол ва ўзгарган ҳолда идрок қилади, онг эса ўзгарган ҳолда идрок қилади. Онг яхшилик, тартиблилик ва бахт нимадан келиб чиқишини кўради. Бу ўринда айтиш мумкинки, Ибн Сино ахлоқнинг ва ахлоқий тарбиянинг асосий муаммоларига рационал ёндошган. Тарбия ҳаммадан олдин инсонда предмет ва ҳодисаларга онгли ёндошувни шакллантириши керак, чунки айнан онг яхшилик,

кўнгилчанлик, тартиблилик ва бутунлигича инсон бахтининг асосида ётади.

Ибн Синонинг “Ишорат”, “Далилнома” китобларида ахлоқ масалалари фалсафий жиҳатдан очиб берилади. “Хайй ибн Якзан ҳақида қисса”, “Саламан ва Ибсал ҳақидаги қисса”, “Тиб қонунлари”, “Рисолат ат-Тайр”, “тадбири манзил” ва бошқа асарларида юксак ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг амалий масалалари қўйилади. “Хайй ибн Якзан ҳақида қисса” да ижобий ва салбий ахлоқий сифатлар инсоннинг “оғайнилари” сифатида иштирок этади. Олимнинг фикрича, бизнинг ижобий “оғайниларимиз”га илмлилик, қатъий ирода, виждонлилик, меҳрибонлик, ишонч, адолатлилик, ботирлик ап жасурлик, салбийларига эса қизғанчиқлик, сотқинлик, ёлғон, алдамчилик ва бошқалар киради. Салбий “оғайнилар” жуда яшовчан, улар доимо ва ҳар жойда инсонни йўлидан адаштиради, уни ҳар хил ёқимсиз ҳолатга келтиради. Шунинг учун у салбий “оғайнилардан” ҳалос бўлишни тавсия қилади. Салбий ахлоқий иллатларнинг илдизини қирқиш учун Ибн Сино ўзингизнинг иродангизни ривожлантиришга маслаҳат беради. Агар инсон иродали бўлса. Унинг характерида иллатлар бўлмаслиги мумкин(3).

Ибн Сино ҳиссиётга берилиб ахлоқсиз ҳаракатлар қилганларни танқид қилади. У доимо одамларни, асосан, ёшларни ҳиссиётларнинг ҳар хил кўринишларига берилмасликка чақиради. Булар бойликка, спиртли ичимликка, жинсий бебошликка йўл қўймаслик кабилардир.

Демак, шарқ мутафаккирларининг асарларида ҳам инсон характерининг ижобий ва салбий хусусиятлари ҳақидаги фикрларни учратиш мумкин.

1.2. Ўзбекистонлик ва рус психологлари тадқиқотларида характер муаммосининг ўрганилиши

Характер ва унинг хусусиятларини шакллантириш муаммоси – бизнинг психология фанининг ҳам жуда муҳим масалаларидан биридир. Айниқса, ёш авлодни шакллантиришда, уларга билим беришда характер хусусиятларини ҳисобга олиш муаммоми психологлари кўплаб қизиқтириб келган.

Шунингдек характернинг ривожланишидаги психологик механизмлар, уларнинг психологик асослари ҳақидаги тўғришувлар психологлари эътиборидан четда қолмади. Улар характер шаклланишининг табиатини тушунишда диалектик материалистик нуқтаи - назаридан ёндашадилар. Бу борада Э.Ғ. Ғозиев, М.Ғ. Давлетшин, В.А.Токарева, М.М. Маматов каби психологлар тадқиқот ишларини олиб борганлар(18,19,31,34).

В.А.Токарева ўзининг “Талаба шахсининг маънавий ривожланиши психологияси” номли монографиясида талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг психологик жиҳатларига кенг тўхталади. Унинг фикрича, маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш долзарб муаммо бўлиб, келгусида шахс камолоти, унинг характер хусусиятларини таркиб топтиришдаги аҳамияти жуда каттадир. Ҳақиқатдан ҳам, инсон маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол шахс бўлиб шаклланса, жамиятимиз тараққиётига катта ҳисса қўшади, ўз-ўзидан инсон характерининг ахлоқий маънавий жиҳатдан етуқлиги – бу характер хусусиятининг белгисидир, модомики шундай экан, олиманинг келтирган ҳар бир мисоллари инсон характери шаклланиши билан ёнма-ён боради. Муаллиф шундай фикр билдирадики, талабада маънавий ривожланишнинг жадаллиги ва йўналиши олий ўқув юртида ўқиш даврида ўзгариб боради. Бу ўринда В.А.Токарева талаба характерининг индивидуал сифатлари ҳақидаги фикрларини маънавий сифатлар билан боғлаб тушуниришга ҳаракат қилади. Шунингдек, психолог М.М. Маматов ўзининг “Инсон характери ва унинг шаклланиши” номли асарида миллий характер ва унинг хусусиятларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилади. У характер ҳақидаги чет эл ва собиқ иттифок

психологларининг фикрларини таҳлил қилиб, шундай таъриф беради:

“Характер деб шахсда ижтимоий муҳит ва таълим тарбия таъсирида таркиб топиб, унинг хатти-ҳаракатлари ва хулқ атворида намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятларга айтилади.”

М.М. Маматов характернинг хислатлари пайдо бўлиши ҳақида гапириб, шундай дейди: “Характер хислатлари конкрет тарихий шароитда ижтимоий муносабатларининг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва ўзгариб боради. Ҳар бир давр ижтимоий тузум манфаатларига мос бўлган характер хислатларини яратади, яъни ҳар бир даврнинг “ўз қаҳрамонлари” бўлади [34]”. Ҳақиқатдан ҳам олимнинг бу фикри жуда ҳам аҳамиятлидир. Биз тарихдан биламизки ҳар бир даврда шу тузумга мос билимли, ишбилармон, ботир, матонатли одамлар бўлган, аммо тузум ўзгариши билан уларнинг аҳамиятлилиги эътибордан четлашган, ҳаттоки жазоланган.

М.М. Маматов характернинг асосий хислатларини бир неча гуруҳга ажратиб ўрганишга ҳаракат қилади [34]. Унинг фикрича, характернинг муҳим хусусиятлари қуйидагилар:

1. Ирода билан боғлиқ бўлган характер хислатлари.

Бу хусусият қатъийятлилиқ, барқарорлиқ, саботлилиқ, (матонатлилиқ), интизомлилиқ каби сифатларда яққол намоён бўлади.

Иродавий хусусиятлар характернинг муҳим хусусияти бўлиб, иродавий жараёнда у тўла намоён бўлади. Ҳаётда кўпинча “характери кучли”, “характери бўш” каби иборалар ишлатилади. Бунда киши характеридаги иродавий хислатлар назарда тутилади. Автор қатъийят ва барқарорлиқ ҳақида гапириб, унинг юкаск кўриниши мураккаб вазиятларда ҳам тез ва ишбилармонлиқ билан асосли қарорлар қабул қилишда ва уни амалга оширишга киришишда намоён бўлишини таъкидлайди. Лекин ҳар қандай тез қарор қабул қилиш ёки хатти-ҳаракат қатъийятлилиқ белгиси эмас. Чунки қатъийятли кишилар орасида кайфиятга қараб тез, шошқалоқлик билан асоссиз қарорга келувчилар ҳам учраши, уларнинг енгилтак, бетайин шахс эканлигини кўрсатади.

Характернинг барқарорлиги эса, унинг ички бирлигида, яни мақсад билан фаолиятнинг муштараклигида, онг билан хатти-ҳаракатларнинг бирлигида кўринади. М.М. Маматов характернинг маънавий хислатлари деганда кишининг ахлоқий эътиқодларини акс эттирадиган хислатларни тушунади. Унинг ёзишича, ахлоқли одам ўз хатти-ҳаракатларида, интилишлари ва юриш туришида жамият ахлоқ қоидаларига амал қилган кишилардир. Ҳақиқатдан биз яшаётган жамият қонунларига бўйсуниб, унинг равнақи учун жон куйдирадиган одамларни маънавиятли инсонлар деймиз.

М.М. Маматов характернинг интеллектуал (ахлоқий) хислатлари ҳақида ҳам чуқур мулоҳазали фикрларни баён қилади. У характернинг интеллектуал хислатлари деганда ташаббускорлик, уддабуронлик, принципиаллик, янгиликка қизиқувчанлик, кузатувчанлик каби хусусиятлар мажмуасини тушунади. Шунинг билан бирга у таъкидлайдики, бу хусусиятлар характернинг иродавий хислатларини тўла намоён бўлишига ёрдам беради. Унинг фикрича, кучли характерга эга бўлган кишилар кўпинча ақлий жиҳатдан ҳам етук бўладилар. Масалан, ташаббускорлик ҳамма жойда ҳам бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ҳал этишда янгидан чнги самарали йўл ва воситаларни қидириб топишда кўринади. Ташаббускорлик ўқувчи бола масалани ечишнинг битта усули билан қаноатланиб қолмасдан, балки янгидан-янги усулларни топишга ҳаракат қилади ва кўпинча бунга маваффақ бўлади. Бу ўринда характернинг интеллектуал сифатлари муҳим роль ўйнайди.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, характер мураккаб тузилишга эга бўлиб, у шахс фаолиятининг ҳамма соҳаларида ҳам вужудга келиши мумкин.

Ҳозирги замон психологларининг характер ҳақидаги таҳлил қиладиган бўлсак, бу тўғрида рус олимлари ғояларига тўхталиб ўтамиз. Рус педагоглари А.О. Прохоров ва Т.Н. Васильевалар характер хусусиятларининг психик ҳолатлари билан алоқасини ўрганиб чиқишади [11]. Уларнинг фикрича, шахснинг характери ва шахснинг муносабатлари тизими педагогик

фаолиятда пайдо бўладиган психик ҳолатларга таъсир қилар экан. Бу ерда педагог муносабатлари учун хос бўлган симптомокомплекслар ажратиб берилади. Шунингдек, муносабатлар тизими билан характер хусусиятларининг ўзаро таъсиридаги типик кўринишлар кўрсатиб берилади. Уларнинг кўрсатишича, муносабатлар тизимининг даражавий тавсифномаси психик ҳолатларнинг жадаллиги ва турғунлиги билан боғлиқдир. Шунинг билан бирга уларнинг характерга боғлиқлик даражаси ҳам кўрсатиб ўтилади. Муаллифнинг таъкидлашича, характер фаолиятининг қийин, зўриқишли ҳолатларида юқори даражада таъсир қилади.

А.О. Прохоров ва Т.Н. Васильевалар бу ишида, бир томондан шахснинг турғун хусусиятлари, характери ҳамда улар асосида ётган муносабатлар тизимини таҳлил қилишади, иккинчи томондан, психик ҳолатларнинг ўзгарувчанлигини ўрганишади. Муаллифнинг нуқтаи-назарича, характер ва психологик ҳолатлар ўзаро таъсирининг механизмини тушунишда асосий нарсаси характер, педагогик фаолиятдаги муносабатлар тизими билан психологик ҳолатларнинг ўзаро таъсиридир.

Педагогик фаолиятдаги психик ҳолатлар характер ва унинг асосида ётган шахснинг муносабатлар тизими таъсирида ривожланади. Характернинг ҳолатларга таъсири, зўриқиши фаолият мураккаблиги ошиши туфайли ўсиб боради.

Рус олими В.Р. Цилов “Характернинг пайдо бўлишига таъсир қилувчи шароитлар ҳақида” номли мақоласида характер хусусиятлари ва муносабатлар ўртасидаги алоқани кенг очиб беради [19]. У ўсмирларга ва уларнинг оналарига психологик маслаҳатлар бериш жараёнида характер хусусиятлари билан уларда шаклланган муносабатлар ўртасида алоқалар борлигини таҳлил қилади. Унинг фикрича, характер пайдо бўлиши жараёнидаги муносабатлар муаммосини психологик тадқиқ қилишга етарлича ўрин берилган, аммо шунинг билан бирга, адабиётларда аниқланган нарсани тўлиқ ёритишга, характернинг шаклланиши масалаларига бағишланган мавзунини ёритишга етарли эътибор қилинмаган.

В.И. Слободчиков ва Е.И. Исаев ўзларининг назарий тадқиқотларида характерни шахснинг турғун индивидуал хусусиятлари йиғиндиси сифатида таърифлайди. Улар ўз фикрини давом эттириб, шундай мулоҳаза билдиришади: характерга барча нисбатан турғун хусусиятлар кирмасдан, балки инсоннинг ҳаёт ва фаолиятининг асосий томонларига муносабатини кўрсатадиган хусусиятларигина киради.

Б.Н. Смирнов “Психологияда ирода муаммосига ҳар хил ёндашишлар” номли мақоласида характернинг иродавий хусусиятлари ҳақида, ирода ва шахснинг шаклланиши ҳақида кенг кўламли фикрлар билдиради [17]. У мақолада иродани онгли ва мақсадга йўналган психик ўз-ўзини бошқариш сифатида қараб чиқади.

О.А. Конопкин эмоционал- иродавий хусусиятларни инсоннинг ихтиёрий ўз-ўзини бошқариш сифатида қараб чиқади. [10]. У бошқарув жараёнида эмоционал- иродавий хусусиятларни ҳар хил шакл ва вариантларга ажратади ҳамда таҳлил қилади. шунингдек, эмоционал- иродавий хусусиятларни ташкил қилувчи асосий қисм эканлигини таъкидлайди.

Муаллифнинг фикрича, инсон фаолияти ва характерининг эмоционал- иродавий хусусиятлари ўзаро таъсири умумий муаммосини мазмунан ишлаб чиқишнинг истиқбол йўли шахс иродавий фаоллигини онгли бошқаришда эмоционал- иродавий хусусиятлар иштироки ва функцияси ҳақидаги масалани таҳлил қилишдир. Шунингдек, у таъкидлайдики, бу ўринда ушбу соҳадаги стереотипларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Улардан бири шуки, фаолиятдаги эмоционал- иродавий хусусиятларнинг роли салбий кечинмалар унинг тузилишини бузувчи таъсир сифатида қараб чиқилади.

Унинг фикрича, айнан борлиқни эмоционал- иродавий акс эттириш инсонни атроф-муҳит билан эҳтиёжий муносабатларга йўналтиради ва эҳтиёж предмети сифатида таҳлил қилинаётган нарсани ажратиб олишни амалга оширади. Шунинг билан бирга, эмоционал- иродавий хусусиятлар инсон томонидан фаолият актининг бош мақсадини аниқлашда ўзига хос тарзда иштирок этади. ягона акс эттириш жараёнининг интеллектуал томони билан

органик боғлиқлиги орқали эмоционал- иродавий хусусиятлар эҳтиёжи предметини аниқлаган ҳолда уни онгли интеллектуал баҳолашга асос яратади. Шундай қилиб, эмоционал- иродавий хусусиятларни ихтиёрий бошқариш бутун жараёнинг функционал жабҳаси шаклланишидаги роли реаллашади. Бу ўринда субъект фаолият мақсадини англайди.

В.Н. Шляпников ўзининг “Инсоннинг амалий машғуллиги модели чегарасида ирода тушунчаси” номли мақоласида ироала психологияси соҳасидаги танеикли назарийчи Ю. Кульнинг шундай фикрларини келтиради: “психологлар ҳеч қачон инсон хулқ-атворининг мураккаб феноменларини “ироада”, “ирода куси”, “ўз-ўзини назорат қилиш” ва “ўз-ўзини бошқариш” каби тушунчаларсиз тушунтира олишмайди” [19].

Бу фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, характерни ҳам ирода тушунчасини ўрганиш орқали чуқурроқ тадқиқ этиш мумкин ҳолос.

XXI аср бошларида иродавий хусусиятларга қизиқиш кучаяди. Бу тушунчалар қатор ишларда ўрганилди. Ҳозирги замон одами тўқнашган дунёдаги жиддий муаммолардан бири – бу касбий фаолиятнинг узлуксиз ошиб бораётган мураккаблигидир. Ҳозирга кунда касбий муҳитга муваффақиятли мослашаш ва жадаллашиш учун фақат биргина ривожланган умумий ва махсус қобилиятлар ерали бўлмасдан, балки бундай жараёнларда фаолиятни мотивацион ва иродавий бошқариш ҳам муҳим роль ўйнайди. Тадқиқотчининг таъкидлашича, диққат марказида ҳар хил ижтимоий ва касба гуруҳларида касбий мослашиш жараёнида иродавий бошқаришнинг роли муҳим ўрин тутаяди, ирода инсон характерини ҳам белгилайди. Бу инсон ўзининг ҳаракатларини ҳис қилиши, уларнинг қадрини, улардан қониқиши, ишонч даражасини ёки хавотирланишини акс эттиради.

В.И. Морасанова “Индивидуал ўз-ўзини бошқариш ва инсон характери” номли мақоласида характер типологияси муаммосига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича, характер типологияси ва хусусиятлари муаммоси табиийроқ бўлиб, услубий қатъий усулда шахс омили назарияларида очиб берилади. Бу ерда характер хусусиятлари ва типлари ҳар хил тартибдаги

омиллар сифатида қараб чиқилади, шахс тузилишининг сифатий ҳар хил даражаларидагидек тасвирланади. Муаллиф характер типологиясини ўрганишда психикани тадқиқ қилишга субъектив ёндашиб, англаган ўз-ўзини бошқариш ривожланиш хусусиятлари нуқтаи-назаридан қараб чиқади. Бу ўринда ўз-ўзини бошқариш субъектив фаолликнинг психологик механизми сифатида ўрганилади. У олиб борган тадқиқот натижаларида нафақат индивидуал ўз-ўзини бошқариш характер кўринишини назорат қилишга имконият яратганини, балки ўз-ўзини бошқариш характер шаклланиши ва шахс йўналиши ривожланиши билан боғлиқлигини тасдиқлайди.

Демак, рус ва собиқ Иттифоқ психологлари томонидан характер ва унинг хусусиятлари психологик категория тариқасида талқин қилиниб, улар ушбу муаммога умумпсихологик, педагогик-психологик, ижтимоий-психологик нуқтаи-назардан ёндошганлар.

1-боб бўйича хулосалар.

Психолог олимлар томонидан характер унинг хусусиятлари психологик категория сифатида талқин қилиниб, умумпсихологик, педагогик-психологик, ижтимоий-психологик томондан ўрганилган. Улар характер моҳиятига, мазмунига тааллуқли назарияни ривожлантириб, инсон ҳаёти установаида унинг негизига айланувчи ҳаракатни топиш муҳимлигини таъкидлайдилар.

Генезисда инсон онгининг намоён бўлишини таҳлил қилиш воситаси орқали характер масаласига ёндошилиб, ҳаётӣ омилар характер шаклланишига таъсир қилишининг психологик механизмлари, унинг ривожланиши ва фаолиятда акс этиш жараёни тадқиқ этилади.

Шарқ уйғониш даврининг қомусий оимлари характер ва унинг хусусиятлари муаммосини ҳамкорлик нуқтаи-назаридан ўрганганлар. Улар устоз-шогирд, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини ўрганишда характер хусусиятлари ва унда қизиқиш ва интилишнинг ролига алоҳида аҳамият берганлар.

Характер хусусиятларининг назарий асослари ўзига хос негизга эга бўлиб, улар тадқиқотнинг мақсади, методлари ва тузилишига боғлиқ равишда экспериментал муҳит механизмини юзага келтиради. Инсоннинг ички ва ташқи омиллари, эҳтиёжлари, мақсад қўя олиш, қизиқишни бошқариш имконияти характернинг регуляция функциясини бажаришга ўсиб ўтиши билан тавсифланади.

2-боб. Оилавий муносабатларнинг ўсмир характер акцентуацияси шаклланишига таъсири муаммоси таҳлили

2.1. Психологияда ота-оналарнинг фарзандларига муносабатлари муаммосининг тадқиқ қилиниши

Ота-онанинг фарзандларига бўлган муносабати хусусиятлари А.И.Захаров(1986), Р.Дрейкурс(1986), В.Я.Титаренко(1987), Э.Г.Эйдемиллер, В.В.Юстицкий(1990) каби психологлар томонидан кенг ўрганилган. Бола тарбиясида ота-онанинг ғамхўрлиги етакчи ҳисобланади. Ғамхўрлик ёки қўллаб-қувватлашнинг даражаси бола тарбиясига ота-онанинг қанча куч ва вақт ажратишига боғлиқ. Қўллаб-қувватлашни иккига ажратиш мумкин: меъёрдан ортиқ гиперпротекция) ва етарли даражада қўллаб-қувватламаслик (гипопротекция). Меъёрдан ортиқ ғамхўрлик ҳамда меъёрдан ортиқ қўллаб-қувватлашга ота-оналар томонидан жуда кўп вақт ажратилади. Тарбия улар ҳаётининг мазмунига айланиб қолади. Қўллаб қувватлашнинг етарли даражада бўлмаган (гипопротекция) шаклида бирор бир жиддий воқеа содир бўлмагунига қадар ота-онанинг тарбияга “қўли тегмайди”.

Меъёрдан ортиқ назоратни Артур Реан ота-онанинг болага бўлган муносабати бўйича хулқ атворнинг қуйидаги тўртта параметрида ўрганади:

1. Назорат: бола фаолиятига таъсир этишга уриниш. Боланинг ота-она талабига тобелик даражаси аниқланади;
2. Етукликка талаб: ота-она томонидан юқори ҳиссий ва ижтимоий даражадаги ақлий имкониятидан юқори вазифаларни бажаришга мажбур этиш билан болага нисбатан босим ўтказиш;
3. Мулоқот: бирор бир муносабатни ёки фикрни аниқлаштириш мақсадида боладан фойдаланиш учун ота-оналар томонидан ишонтиришни қўллаш;
4. Хайрихоҳлик: ота-оналар болага нисбатан қанчалик даражада қизиқишларини намоён қиладилар (рағбатлантириш, унинг

муваффақиятларидан хурсанд бўлиш), илиқлик, меҳр, парвариш, унга нисбатан бўлган муносабатда ҳамдард бўлишю

Ота-онанинг болага бўлган назорат компоненти иккита тизимда ўрганилган: автоном ва назорат. Ота-онанинг ҳар қандай тартибли хулқ-атвори иккита нуқта орасидаги жойни эгаллайди, жумладан, тўлиқ автономиядан то ота-она иродасига бўйсунитишгача.

Маккоби ота-она назоратининг қуйидаги компонентларини киритади:

- 1) чеклайдиган – бола фаолиятига чегара ўрнатиш.
- 2) талабчанлик – болалардан юқори даражадаги маъсулиятни талаб этиш;
- 3) қаттиққўллик – болаларни бирор бир нарсага мажбурлаш;
- 4) шилқимлик – боланинг муносабатлари ва режаларига таъсир этиш;
- 5) ихтиёрий ҳокимликни намоён этиш.

Боланинг илк ёш давларида бола эҳтиёжлари катталар томонидан қондирилади. Бироқ боланинг моторикаси ва хулқ-атворини бошвариш шаклланиши биланоқ ота-оналар уларнинг фаоллигини йўналтириш ва чегаралашни бошлайдилар. Албатта, болалар тарбиясида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун белгиланган чегаралаш ва раҳбарлик зарур.

Ота-она томонидан қўлланиладиган интериоризация воситаси ва назорат малакаси боланинг характерологик қирралари, ўзига жавобгарлик ва ижтимоий компетентликни шаклланишида асосий механизм ҳисобланади. И.А.Захаров (1988) ота-она назоратини учга бўлиб ўрганади: бартараф этивчи; ўртамиёна; меъёрдан ортиқ авторитар шакл хусусиятига эгалик.

Ота-она талаби, биринчидан, боалнинг мажбуриятларига, боланинг ўзи нимани қилишига қаратилиши зарур. (ўз-ўзига хизмат, таълим, уй ишларига ёрдам в.х.). Иккинчидан, бола кулиши мумкин бўлмаган талаб-таъқиқни ўрнатиш. Ота-она талаби, мажбурият ва талабларнинг меъёридан ортиқлиги, бола психик жароҳатга олиб келувчи хатарнинг кенгайиши - бола имкониятларига мос келмайдиган болага бўлган жуда юқори талаб маъсулият

ва талабларни етарли даражада эмаслиги – бундай ҳолларда бола уй ишлари бўйича бирор бир ишни бажаришда ота-она томонидан боланинг энг кам даражадаги мажбуриятларга эга бўлишидир.

Ота-она назоратининг бола шахсининг шаклланиши таъсирида авторитар услубдаги ота-она эмпатияси, ўзини баҳолашнинг пастлиги, унинг ташқи талабларга йўналганлиги йўқлигига олиб келади. Демократик услубни белгиловчи қуйидаги параметрлар: ота-она ва бола ўртасидаги вербал мулоқотни юқори даражада эканлигини, оилавий муаммоларни болалар билан муҳокама этишни, болани мустақил муваффақиятларига ишонч ва керак бўлса ёрдам беришга тайёр ўз таркибига олади. Назорат стили эса болаларни сезиларли даражада чегаралаш, мазмунини болага аниқ ва тўлиқ тушунтириш, тартиб интизом бўйича болалар ва ота-оналар орасида келишмовчиликнинг йўқлиги демакдир.

Е.Л. Горлова компетент ота-онанинг психологик портретини ўрганишга муваффақ бўлди. Психологик кузатув амалиётида замонавий ваколатни ота-она - бу ўз фарзандига нисбатан айбдорлик ва қўрқув ҳиссини ҳис этмайди, “ёмон” ота-она қўрқувини бошидан кечирмайдиган инсон деб эътироф этилган. Бу инсон бола ўсаётган реал вазиятни кўришга ва уни ўзгартириш учун кучини сарфлашга тайёр. Ваколатли ота-она боланинг ривожланиши учун оилада мулоқот учун қанчалик яхши шароит яратилганлигига боғлиқлигини тушунади. Ваколатликнинг тизимли компоненти илк ёшдаги болаларни тарбиялаётган ота-онани тўртта ота-онанинг қуйидаги портретини таърифлаш имконини беради.

Шартли равишда “компонент” деб номланган биринчи гуруҳга кирувчи ота-оналар бола ривожланишига таълуқли бўлган саволларга далиллар асосида жавоб қайтаради ҳамда таърифланган вазиятда бола ҳис этаётган туйғуни адекват ифодалайди.

Бундай ота-оналар ўз фарзандини ривожланиши учун шароит ярата олиши мумкин. Ота-онанинг болани ривожланиши учун ҳар томонлама

ёрдами болани жисмоний , интеллектуалд ва ҳиссий эҳтиёжларини етарли ва зарур сифатли даражада қондиришни англатади.

Бундай тарбиянинг натижаси – боланинг психологик соғломлиги унинг бахти ҳисобланади. Ҳозирги кунда ота-онанинг компетентлиги учта ракурсда ўрганилади: биринчиси – бола ривожланишининг у ёки бу ёшида ота-онанинг умумий маълумотга эгалик даражаси етарли даражада шаклланганлиги билан боғлиқ; иккинчи аспект ўз ота-онасини “ҳис” этиш, бола билан саводли ўзаро таъсирга киришиш қобилияти хулқ-атвор компоненти билан боғлиқ.

Демак, ота-она ва бола муносабатининг ўзига хослиги ота-онанинг болага муносабатини кўрсатади. Психологлар ота-онанинг муносабати тузилишини анъанавий тарзда учга бўлади: ҳиссий, когнитив ва хулқ атвор. Ота-онанинг муносабати когнитив компонентда ўз фарзандининг қадриятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари тавсифи ҳақида ота-онанинг тасавури тушунилади. Бундай тасаввур адекват бўлмаслиги ёки адекват бўлиши мумкин. Бола ҳақидаги адекват бўлган тасаввур – бу ота-онанинг боланинг индивидуал хусусиятига асосланган йўналганлиги, моиллик, қизиқиш, психик ва хзрактерологик хусусияти билан боғлиқ тўлиқ ва объектив билим.

Адекват бўлмаган бола ҳақидаги бир хил бўлмаган тасаввур. Болага, унинг психофизиологик маълумотни баҳолай олмаслик, касалликни қўшиб қўйиши (инвалидизация); болани “кичкинтой” ролида кўриш, у ҳақида ота-онанинг ҳимоясиздек тасаввур қилиши , боғлиқлигини эса орттириб кўрсатиш (инфантилизация). Болага ижтимоий кам ўзлаштириш деб нисбатан берилган бўлиши мумкин, шунинг учун ота-она боланинг келгуси ҳаётида хавотирликни ҳис этади, унинг мавқеини пасайтиради, уни ижтимоий хатарли деб тасаввур этади.

Ҳиссий компонент интеграл қабул қилиш ёки қабул қилмаслик билан боғлиқ изтироблар йиғиндисини ўз таркибига олади. Ота-она муносабати тизимида асосан унинг пайдо бўлиш хусусиятини белгиловчи асосий ўрнини

эгаллайди. Ҳиссий компонентда “симпатия-антипатия”, “хурмат ва хурматсизлик”, “яқинлик-йироқлик”.

Ота-она муносабатининг хулқ кўринишидаги компоненти – бу бола билан бўладиган мулоқотнинг шакли, назорат кўриниши ва усулидир. Болага ўтган хулқ-атвор таъсири турли кўринишда бўлиши мумкин: ота-онанинг устунлигидан то боланинг автономлигигача. Ота-онанинг фарзандларига бўлган муносабати хусусиятлари А.И.Захаров(1986), Р.Дрейкурс(1986), В.Я.Титаренко(1987), Э.Г.Эйдемиллер, В.В.Юстицкий(1990) каби психологлар томонидан кенг ўрганилган. Бола тарбиясида ота-онанинг ғамхўрлиги етакчи ҳисобланади. Ғамхўрлик ёки қўллаб-қувватлашнинг даражаси бола тарбиясига ота-онанинг қанча куч ва вақт ажратишига боғлиқ. Қўллаб-қувватлашни иккига ажратиш мумкин: меъёрдан ортиқ гиперпротекция) ва етарли даражада қўллаб-қувватламаслик (гипопротекция). Меъёрдан ортиқ ғамхўрлик ҳамда меъёрдан ортиқ қўллаб-қувватлашга ота-оналар томонидан жуда кўп вақт ажратилади. Тарбия улар ҳаётининг мазмунига айланиб қолади. Қўллаб қувватлашнинг етарли даражада бўлмаган (гипопротекция) шаклида бирор бир жиддий воқеа содир бўлмагунига қадар ота-онанинг тарбияга “қўли тегмайди”.

2.2. Ўсмирларда характер акцентуацияси ва характернинг шаклланиш омиллари

Ҳар бир инсон ўзида муайян вақт мобайнида хавотирлик ҳиссини сезиши мумкин. Хавотирланиш – бу реал ва ҳаёлий хавфни ҳис қилишга мойилликдир. Агар хавф реал бўлса, хавотирланиш кучларни бир жойга тўплаш ва сафарбар этишга ёрдам беради. Бундай вазиятларда хавотир ички безовталиқни, қандайдир илиқлик ва ғамхўрликнинг етишмаслигини англатади. Шунинг учун соғлом ва патологик шахсни фарқлашда характерга – бу фрустрацион вазиятда шахсни ўзига хос тарзда намоён бўлиши, хавотирланишни енгиб ўтишнинг индивидуал услуби сифатида ёндошилади.

Агар характердаги айрим хусусиятлар ҳаддан зиёд ёрқин намоён бўлса, бу характер акцентуациясидан далолат беради. А.Е.Личко таъбири билан айтганда, акцентуация – нормадан оғишиш варианты бўлиб, бу билан бирга характернинг алоҳида жиҳатларини ҳаддан зиёд кучайиб кетишидир. Демак, характер акцентуацияси баъзи характер хусусиятларининг ўта куйиб кетиши ва оқибатда айрим турдаги психоген омиллар таъсирига берилишнинг ортиши ва аксинча, бошқа омиллар таъсирида берилувчанликнинг сусайишидир.

Ўсмирлик даврида характер акцентуацияси хусусиятлари айниқса кучайиб, ташқи томондан психопатияни эслатади. Агар ўсмирни қуршаб турган ижтимоий воқеликда акцентуация туфайли пайдо бўлган, А.Е.Личко сўзлари билан айтганда, “қаршилиги энг ожиз бўлган жойга йўналтирилган” психоген омиллар бўлса, ижтимоий мослашувчанликнинг бузилиши ва шахснинг тегишли психопатик типга мувофиқ шаклланиши кузатилиши мумкин. Ўсмирларнинг характер акцентуацияси типини аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга. Аниқланган тип характердаги заиф нуқталарни кўрсатади, бу эса мослашувчанликнинг бузилишига қандай омиллар сабабчи бўлиши мумкинлигини олдиндан кўра билиш имкониятини беради. Буларнинг барчаси психопрофилактика иши учун кенг имкониятлар яратади.

Характернинг у ёки бу хусусияти миқдорий ифодалилиги охириг маррага етиб ва норманинг энг охириг чегарасига бориб қолганда характернинг акцентуацияси (ортиқча урғу берилиши) деб аталади.

Характерга ортиқча урғу берилиши айрим характер хусусиятларининг кучайиши натижаси сифатида норманинг охириг вариантларидан бири саналади. Бунда индивидда бошқаларига нисбатан барқарорлик бўлгани шолда бир хил стрессоген (қаттиқ ҳаяжонланувчи) омилларга заифлик ортиши кузатилади. Характернинг акцентуацияси ўта ноқулай вазиятларда патологик бузилишларга ва шахс ҳулқ-атворининг ўзгаришларига, психопатияга олиб бориши (характер шахснинг адекват

ижтимоий адаптасияга тўсқинлик қилувчи ва амалда такрорланмайдиган патологияси, гарчи тўғри даволаш шароитларида баъзи тузатишларга берилса ҳам) мумкин, лекин уни патологияга оид деб ҳисоблаш ноўриндир.

Характернинг акцентуацияси (ортиқча урғу берилиши) турларини таснифлаш анча мураккаблик туғдиради ва ҳар хил номенклатураси бўйича бир-бирига мос келмайди. (К.Леонгард, А.Личко). Лекин акцентуациялашган хусусиятларнинг тавсифи маълум даражада бир хил бўлиб қолади. Бу ҳар иккала тасниф схемаларидан муваффақиятли терминларни олиб ва бунда психиатрик терминология ("шизофрения хусусиятлари", "эпилепсия" хусусиятлари ва ҳоказо) билан тўғридан- тўғри ўхшашлик бўлишидан қочган ҳолда ортиқча урғу бериладиган хусусиятлар рўйхатини келтириш имкониятини беради. Характерни ортиқча урғу берилган ҳолда баҳолаш психиатрнинг эмас, балки психологнинг диққатини жалб қилишини тақозо этади, гарчи акцентуация муаммосининг ўртага қўйилиши тарихи психиатрия ва психоневрологияга бориб тақалганда ҳам шундай ҳисобланади.

Немис психиатри К.Леонгард фикрича, 20-50% кишиларда баъзи характер хусусиятлари шу даражада кучлики, баъзан бир хил типдаги зиддият ва ҳиссий портлашларга олиб келиши мумкин.

Характер акцентуацияси - бирор хусусиятнинг бошқалари зарарига кучли ривожланиши ва атрофдагилар билан муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келишидир. Характер акцентуацияси турли даражада енгил ва ҳатто психопатия даражасигача бўлиши мумкин. Ўсмирлар орасида характер акцентуацияси кўп (50-80%) учрайди.

К.Леонгард томонидан характер акцентуацияси муаммоси ўрганилиб, уни шахсда намоён бўлишига қараб қуйидагилар таснифланади:

Гипертим тип - ҳаддан ташқари алоқага киришувчан, кўп гапиради, имо-ишора, мимикага бой, суҳбат мавзусини буриб юборишга мойил,

кўпинча хизматга доир ва оммавий мажбуриятларни унутиб қўйганлиги сабабли зиддиятлар келиб чиқади.

Дистим тип - камгап, мулоқотга киришишга қийналади, пессимист, зиддиятлардан ўзини олиб қочади, уйда ёлғиз қолишни ёқтиради.

Циклоид тип - кайфияти тез ўзгаришга мойил, кайфияти яхши пайтда - гипертим, ёмон пайтда дистим типга ўхшаб қолади.

Қўзғалувчан тип - мулоқотда пассив, вербал ва невербал реакциялари суст, кайсар, баъзан урушқоқ, кўпинча турли можароларнинг ташаббускори.

Кучайтирувчи тип - камгап, ақл ўргатишни ёқтиради, юқори натижаларга эришишни хоҳлайди, тез хафа бўлади, шубҳаланувчан, қасоскор. Кичик-кичик муаммоларни катталаштиришга, бўртиришга мойил.

Педант тип - зиддиятларга кам қўшилади, кўпинча пассив ҳолатда бўлади, атрофдагиларга кўплаб расмий талаблар қўяди, тартибли, жиддий ишончли ходим.

Хавотирли тип - камгап, одамови, ўзига ишонмайди, зиддиятлардан ўзини олиб қочади, тинчликсевар, ўз-ўзини танқид қилади. Топшириқларни вақтида бажаради.

Эмотив тип - тор доирадаги кишилар билан мулоқотга киришишни ёқтирадilar, хафа бўлса ташқаридан сездирмасликка ҳаракат қилади, меҳрибон, ғамхўр, маъсулиятни ҳис қилади. Бошқаларнинг ютуқларидан қувонади.

Намойишкорона (демонстратив) тип - мулоқотга тез киришади, етакчиликка интилади, ҳокимият ва мақтовни ёқтиради, бошқаларни ўзига жалб қила олади, ноёб тафаккурга, хулқ- атворга эга.

Экзальтирлашган тип- ўта мулоқотга киришувчан, кўп гапиради, қизиқувчан, дўстлари ва яқинларга эътиборли, бошқаларга ёрдам беради, дид-фаросатли, самимий.

Экстровертлашган тип - мулоқотга киришувчан, дўстлари кўп, зиддиятлардан ўзини олиб қочади, бошқаларни диққат билан эшитиш мумкин. Топшириқларни вақтида бажаради.

Интровертлашган тип - мулоқотга киришишга қийналади, "ичимдагини топ", фалсафий фикр юритишни ёқтиради, қатъиятли, эътиқоди мустаҳкам, қайсар, тафаккури қотиб қолган.

Юқорида келтириб ўтилган сифатлар ҳаётнинг айрим вазиятларида фойда келтириши ҳам мумкин. Масалан, шизоид акцентуацияси ўзининг ижодий тафаккурга мойиллиги, оригинал ғоялари билан жамият тараққиётига хизмат қилади.

Тўғри ташкил этилган таълим-тарбия жараёнида характер акцентуациясини тарбиялаш ва тузатиш мумкин.

Характернинг кишида кўринадиган ва тилимизда ўз ифодасини топган хусусиятлари беҳад кўп бўлиб, мингдан ортиқни ташкил этади. Шу сабабли характернинг ўзгариб турадиган хусусиятларини санаб ва таснифлаб бериш жуда қийин. Бундан ташқари ҳозиргача психологияда аниқ бир таснифлаш схемаси ишлаб чиқилган эмас. Характернинг у ёки бу хусусияти микдорий ифодалилиги охириги маррага етиб ва норма чегарасига бориб қолганда характернинг акцентуация /ортиқча урғу берилиши/ деб аталадиган вазият пайдо бўлади. Характернинг ортиқча урғу берилиши – айрим характер хусусиятларининг кучайиши натижаси сифатида норманинг охириги чегарасидир.

Худди темперамент каби характер ҳам кишининг физиологик хусусиятларига, характернинг кўринишларига уз таъсирини кўрсатади, уларнинг пайдо бўлиши ва кечишининг динамик хусусиятларини белгилаб беради.

Темпераментнинг хусусиятлари характернинг муайян томонлари ривожланишига қаршилик кўрсатиши ёки ёрдам бериши мумкин. Холерик ёки сангвиник типдаги одамга қараганда флегматик типдаги одам ўзида ташаббускорлик ва қатъийликни таркиб топтириши қийинроқдир.

Журъатсизлик ва ваҳималиликни бартараф этиш меланхолик учун жиддий муаммо бўлиб хисобланади. Характернинг жамоада шакллантирилиши холерик типдаги кишиларда ўзини тута билишни ва ўзига танқидий кўз билан қарашни, сангвиникларда саботлиликни, флегматикларда фаолликни ривожлантириш учун кулай шароитлар яратади.

Характер хусусиятларининг пайдо бўлиши, унинг табиати, ўзгариши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги психологларнинг узок давом этиб келаётган мунозаралари мавзуи бўлиб хисобланади.

Характер хусусиятлари ирсиятнинг биологик қонуниятлари билан эмас, балки ижтимоий қонуниятлар билан белгиланади. Характернинг ҳар бир хусусияти шахс муносабатлари билан боғлиқ. Лекин шахс муносабатлари ўз навбатида ижтимоий муносабатлар билан белгиланади. Инсоннинг характери туғма, доимий, ўзгармайдиган нарса эмас. Ҳеч бир бола меҳнатсевар ёки дангаса, ростгўй ёки ёлғончи, кўрқоқ ёки жасур бўлиб туғилмайди. Ҳар бир одамнинг характери, темпераменти асосида, ижтимоий муҳит таъсири билан, тарбия, амалий фаолият жараёнида ва кишининг ўз-ўзини тарбиялаши билан тараққий қилиб, ўзгариб боради. Характернинг тараққиёти инсон иродаси, ақл-идроки ва ҳиссиётларининг ривожланиб бориши билан мустаҳкам боғлиқдир.

Инсон характерининг таркиб топишига ижтимоий муҳит, унинг оиласи ва у аъзо бўлган жамоа катта таъсир кўрсатади. Характернинг таркиб топишида тақлиднинг роли ҳам катта. Болалар ота-онасига, яқин кишиларига ва катталарга ўхшашликка ҳаракат қилади. Болаларда ижобий иродавий ва ахлоқий сифатларни тарбиялаш учун ота-оналар ва тарбиячиларнинг ўзи бундай сифатларга эга бўлишлари керак. Инсон жамоада мулоқот жараёнида бошқалар ва ўзининг характер хусусиятларини билиб боради. Характернинг баъзи хусусиятлари ижобий, баъзилари эса салбий эканлигини ажратиб боради. Бундай шароит кишини ўз характерини ўзи тарбиялаш, уни қайта тарбиялашни йўлга солади.

Характер – кўп жихатдан ўз-ўзини тарбиялаш натижасидир. Характерда кишининг одатлари жамланади. Характер одамлар фаолиятида намоён бўлади, шу билан бирга, у шу фаолиятда шаклланади ҳам. Агар йигит ёки қиз ўзини - ўзи танқид қилишни характерининг хусусияти сифатида тарбиялашга уринаётган бўлса, улар ўзларига танқидий нуқтаи назардан ёндошишлари керак.

Меҳнат ва ўқиш тўғрисида гапирмаган тақдирда ҳам кундалик турмуш, оиладаги ҳаёт шароитлари инсоний характерлар мактабидир. Педагоглар, психологлар ва ота-оналар олдида мунтазам равишда масъулиятли вазифа: болалар характерида сезила бошлаган ўзгаришларни ўз вақтида сезиш ва уларни инобатга олган ҳолда хулқ-атвор ва тарбия соҳасида ўз йўлини амалга ошириш вазифаси туради.

Шундай қилиб, кишига характер табиатан берилмаган. Ўзгартириб ва қайтадан шакллантириб бўлмайдиган характер бўлмайди. «Менинг характерим шунақа ва мен ўзимни ҳеч нарса қила олмайман» деб бахона қилиш психологик жихатдан мутлақо асоссиздир. Ҳар қандай киши ҳам ўз характерини барча кўринишлари учун жавобгардир, ҳар бир киши ўзини-ўзи тарбиялаш имконига эга.

2-боб бўйича хулосалар

Ота-онанинг фарзандларига бўлган муносабати хусусиятлари бир қатор олимлар томонидан ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этилган (А.И.Захаров, Р.Дрейкурс, В.Я.Титаренко, Э.Г.Эйдемиллер, В.В.Юстицкий). Бола тарбиясида ота-онанинг ғамхўрлиги етакчи ҳисобланади. Ғамхўрлик ёки қўллаб-қувватлашнинг даражаси бола тарбиясига ота-онанинг қанча куч ва вақт ажратишига боғлиқ. Қўллаб-қувватлашни иккига ажратиш мумкин: меъёрдан ортиқ гиперпротекция) ва етарли даражада қўллаб-қувватламаслик (гипопротекция).

Ота-она ва бола муносабатининг ўзига хослиги ота-онанинг болага муносабатини кўрсатади. Психологлар ота-онанинг муносабати тузилишини анъанавий тарзда учга бўлади: ҳиссий, когнитив ва хулқ атвор. Ота-онанинг

муносабати когнитив компонентда ўз фарзандининг кадриятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари тавсифи ҳақида ота-онанинг тасаввури тушунилади. Бундай тасаввур адекват бўлмаслиги ёки адекват бўлиши мумкин. Бола ҳақидаги адекват бўлган тасаввур – бу ота-онанинг боланинг индивидуал хусусиятига асосланган йўналганлиги, моиллик, қизиқиш, психик ва характерологик хусусияти билан боғлиқ тўлиқ ва объектив билим.

Ўсмирлик даврида характер акцентуацияси хусусиятлари айниқса кучайиб, ташқи томондан психопатияни эслатади. Агар ўсмирни қуршаб турган ижтимоий воқеликда акцентуация туфайли пайдо бўлган, А.Е.Личко сўзлари билан айтганда, “қаршилиги энг ожиз бўлган жойга йўналтирилган” психоген омиллар бўлса, ижтимоий мослашувчанликнинг бузилиши ва шахснинг тегишли психопатик типга мувофиқ шаклланиши кузатилиши мумкин.

Характернинг акцентуацияси (ортиқча урғу берилиши) турларини таснифлаш анча мураккаблик туғдиради ва ҳар хил номенклатураси бўйича бир-бирига мос келмайди. (К.Леонгард, А.Личко). Лекин акцентуациялашган хусусиятларнинг тавсифи маълум даражада бир хил бўлиб қолади.

Характер акцентуацияси - бирор хусусиятнинг бошқалари зарарига кучли ривожланиши ва атрофдагилар билан муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келишидир. Характер акцентуацияси турли даражада енгил ва ҳатто психопатия даражасигача бўлиши мумкин. Ўсмирлар орасида характер акцентуацияси кўп (50-80%) учрайди. Унинг юзага келишига эса бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Ана шундай омиллардан бири ота-оналарнинг фарзандларига бўлган муносабат турлари ва тарбия услублари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ота-оналарнинг фарзандларига муносабат хусусиятларини ўсмир шахсига, унинг характер акцентуациясига таъсирини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Ш-боб. Ўсмирлик даврида характер акцентуацияси шаклланишига оилавий муносабатлар таъсирининг психологик хусусиятларини экспериментал ўрганиш

3.1.Ота-оналарнинг фарзандларига бўлган муносабатларини ўрганиш натижалари

Ота-оналарнинг фарзандлари билан бўладиган муносабат ўсмирлар шахс хусусиятлари, хусусан, улар характер акцентуациясига таъсирини ўрганиш мақсадида экспериментал тадқиқот ишлари ўтказилди. Тадқиқотда Тошкент шаҳридаги 81 -мактабнинг 9-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этдилар.

Ота-оналарнинг ўз фарзандларига бўлган муносабат турларини аниқлаш учун А.Я.Варга, В.В.Столиннинг “Ота-оналарнинг болаларга бўлган муносабатини аниқлаш” тест-сўровномасидан фойдаланилди.

“Ота-оналарнинг болаларга бўлган муносабатини аниқлаш” тест-сўровномаси муаллифлари А.Я.Варга ва В.В.Столин нуктаи назари бўйича ота-онанинг болага бўлган муносабат хусусияти қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади: болага нисбатан интеграл ҳиссий муносабат – “Қабул қилиш-рад этиш” шкаласи; ота-она муносабатининг исталган ижтимоий образи – “Кооперация” (Ҳамкорлик) шкаласи; ота-она муносабатида авторитаризм (авторитетга эга бўлган катта ёшли кишиларга кўр-кўрона бўйсунишга асосланган “Авторитар гиперижтимоийлашув”), яъни “Назорат” шкаласи; ота-оналарнинг фарзандлари билан муносабатларидаги психологик дистанцияни ифодаловчи “Симбиоз” шкаласи; ота-она томонидан боланинг қабул қилиниши ва уни тушуна олиш хусусиятини акс эттирувчи “Боланинг омадсизликларига муносабат” шкаласи.


Экспериментал тадқиқотимизда 31 нафар ота-оналар синалувчи сифатида қатнашдилар. Тадқиқот натижаларидан олинган кўрсаткичларнинг таҳлилини ўтказиш учун ҳар бир шкала бўйича берилган жавоблар фоиз ҳисобида қайта ишланиб, кўрсаткичлар уч даражага ажратилди: юқори, ўрта ва паст(1-,2-жадваллар).

Синалувчиларнинг “Ота-оналарнинг фарзандларига муносабати”
методикасаси натижалари

1-жадвал

Т.р	Шкалалар	Синалувчилар кўрсаткичлари		
		юқори	ўрта	паст
1.	Болани қабул қилиш-рад этиш	-	71.5	28.5
2.	Ҳамкорлик	-	72.7	27.3
3.	Симбиоз	11.8	66.6	21.6
4.	Назорат	54.4	33.3	28.5
5.	Боланинг омадсизликларига муносабат	21.1	31.6	47.3

Синалувчиларнинг шкалалар бўйича кўрсаткичлари




1-расм

Синалувчиларнинг “Ота-оналарнинг фарзандларига муносабати” методикаси
натижалари(балларда)

2-жадвал

Т.р	Шкалалар	Синалувчилар кўрсаткичлари		
		юқори	ўрта	паст
1.	Болани қабул қилиш-рад этиш	9.8	6.6	3.3
2.	Ҳамкорлик	3.4	2.4	1.4
3.	Симбиоз	4.7	2.3	1.3
4.	Назорат	3.8	2.55	12.3
5.	Боланинг омадсизликларига муносабат	3.8	2.55	1.3

Синалувчиларнинг шкалалар бўйича кўрсаткичлари (балл ҳисобида)



2-расм

“Болани қабул қилиш-рад этиш” шкаласи катталарнинг болаларга нисбатан интеграл ҳиссий муносабатини акс эттиради. Унинг юқори кўрсаткичи ота-оналар томонидан болаларнинг лаёқатларига, хусусиятларига паст назар билан қарашлари, уларни омадсиз деб баҳолашларини изоҳлайди. Уларнинг фикрича, бола ҳаётда етарли даражада муваффақиятларга эриша олмайди, бунинг учун унда зарур қобилиятлар етишмайди. Умуман олганда, бундай ота-она боланинг имкониятларига ишонмайди ва уни ҳурмат қилмайди. Қуйи кўрсаткич эса, бунинг аксини кўрсатади. Тадқиқотимизда иштирок этган респондентларнинг жавобларининг(1-,2-расмлар) таҳлили мазкур мезон бўйича синалувчиларнинг болаларга нисбатан деструктив муносабатини тавсивлайди(28.5 фоиз).

Бу ҳолат уларда болаларга нисбатан ҳиссий илиқ муносабатнинг етарли даражада эмаслигини, улар боланинг шахсий позицияси ва қизиқишларини қабул қилиши болаларга бўлган муносабатда муҳаббатнинг табиий эмаслигини кўрсатади. Синалувчиларнинг ўз болаларини рад этишлари ва болалар имкониятларини ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, яъни ўсмирлик давридаги психологик ўзгаришларни адекват баҳолай олмасликларидан далолат беради.

Албатта бу ҳолат оз миқдордаги респондентларга хос бўлсада, болаларига муносабатларида муаммолар мавжудлигини кўрсатувчи хавотирли белги ҳисобланади. Бу эса синалувчи ўсмирларнинг ҳиссий ривожланишида, характер акцентуацияларида ўз аксини топади. Ушбу шкала бўйича ўртача даражадаги кўрсаткич 71.5 фоизни ташкил этади(1-расм).

“Ҳамкорлик” шкаласи ота-онанинг болани режа ва ишларига қизиқиш даражасини аниқлайди ҳамда ота-онанинг ижтимоий маъқул образини акс эттиради. Мазкур шкала бўйича юқори кўрсаткич ота-онанинг болаларга барча ишларида ёрдам бериши, уларнинг қайғуларига ҳамдард бўлиши, интеллектуал ва ижодий имкониятларини тўғри баҳолай олишга интилиши, у билан фахрланиш туйғусини ҳис этиши, бола ривожланиши ва тарбияси билан англолган ҳолда шуғуллана билиши, боланинг ташаббуси ва

мустақиллигини рағбатлантира олиши, у билан тенгқурдай муносабатда бўлишга ҳаракат қилишидан дарак беради. Ушбу шкала бўйича 27.3 фоиз синалувчи ота-оналарга қуйи даража хос(1-жадвал).

“Ҳамкорлик” шкаласи бўйича қуйи даражага оид кўрсаткичлар кўпчилик респондентларнинг ўз фарзандлари билан ўзаро муносабатларида зиддиятлар мавжудлигини кўрсатади. Чунки болаларнинг имкониятларини тўғри баҳолай олмаслик, уларнинг ҳаёт тарзи, фаолияти, келгуси режаларига эътиборсизлик, уларнинг интилишларини ҳурмат қилмаслик тушунмовчиликларни вужудга келтирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотдаги синалувчи болалар ўсмирлар эканлигини ва бу давр психологик ва жисмоний ўзгаришлар даври эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу кўрсаткичлар ота-оналарнинг ўз вазифаларини бажаришларида махсус педагогик ва психологик саводхонлик етишмаслигининг натижаси сифатида қаралиши мумкин.

“Назорат” шкаласи. Ушбу шкала катталар бола ҳуқ-атворини қандай назорат қилишлари, бола билан бўлаётган муносабатлари демократик ёки авторитар услубда қурилишини характерлайди. Мазкур шкала бўйича 54.4 фоиз респондентлар юқори кўрсаткичга эга эканликларини кўриш мумкин. Юқори кўрсаткич катталарнинг боладан сўзсиз бўйсуннишни ва интизомни талаб этишга, ўз сўзларини ўтказишга мойилликлари, боланинг фикрини инобатга олмаслик, болага нисбатан авторитар назоратнинг устунлигини кўрсатади. Ушбу шкала бўйича 33.3 фоиз ўрта даража, 28.5 фоиз қуйи даражани кўрсатади(1-жадвал).

Демак, тадқиқот натижасида олинган маълумотлар синалувчи ота-оналар томонидан болаларни назорат қилишдаги авторитар муносабатнинг устунлигини кўрсатади. Болаларга бўлган авторитар назоратнинг устунлик даражаси турли омилларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Жумладан, ижтимоий қийин шароит, болалар психик ривожланишидаги ўзига хос жиҳатлар, ёш хусусиятлари, болалар хавфсизлигини таъминлаш учун юқори даражадаги назоратни ўрнатишга мажбур этиши мумкин. Катталар томонидан бола шахсига нисбатан ўтказилган босим келгусида улар ўртасидаги “ота-она –

фарзанд” муносабатларининг бузилишига сабаб бўлади. Авторитар гиперижтимоийлашув босими остида тарбияланган болалар эса сўзсиз бўйсунадиган, камгап, хавотирлилиқ даражаси юқори бўлиб, характерида салбий сифатлар намоён бўлишига олиб келади ва ҳаётнинг кейинги босқичларида муҳитга мослашувида ўзига хос муаммоларга дуч келишларига олиб келади.

“ Симбиоз “ шкаласи. Бу шкала саволлари катталар бола билан бирлашишга интилиши ёки масофа сақлаб қолишга интилишини аниқлашга йўналтирилган. Симбиоз – бола билан катталарнинг ўзига хос алоқаси. Ушбу шкала бўйича синалувчиларнинг 66.6 фоизи ўртача кўрсаткичга эга эканлиги маълум бўлди. Аммо 11.8 фоиз синалувчилар мазкур шкала бўйича паст кўрсаткич намоён қилдилар(1-расм). Бу эса ушбу ота-оналарнинг фарзандлари билан муносабатларида кескин психологик дистанция ўрнатишларидан, улар тўғрисида унчалик ғамхўрлик қилмасликларидан далолат беради.

“Боланинг омадсизликлари муносабат” шкаласи ота-оналарнинг болани қандай қабул қилишлари муносабати кўрсаткичи, ота-онанинг болага бўлган қабул қилиш ва тушуниш хусусиятини акс эттиради. Мазкур мезон бўйича юқори кўрсаткич оиладаги болаларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, қарорларини ҳурмат қилмаслик, ёш даври ва жисмоний ҳамда психик имкониятларини тўғри баҳоламасликлари кўрсаткичидир. Тадқиқотда иштирок этган ота-оналар ҳам ўз фарзандларининг реал имкониятларига нисбатан бефарқ муносабатни билдириб, болаларнинг ривожланиши даражасини адекват баҳолай олишдан биров йироқ эканлигини билдиради. Бунда катталар доимо болани реал ёшига нисбатан кичик деб кўради, уларни ҳаётнинг қийинчиликларидан чегаралашга ҳаракат қилади. Зеро, уларнинг болани бутун умри давомида кўрсатмалар билан яшашга ундаши, уларнинг ҳаракатлари ва эркинлигини чегаралашга уринишлари боланинг меъёردаги ижтимоийлашуви кечишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

“Боланинг омадсизликларига муносабат” шкаласи бўйича ота-оналарнинг 21.1 фоиз жавобларидан (1-жадвал) юқори даража кўрсаткичлари хавотирга ўрин борлигидан маълумот беради, чунки болаларга ишонч билдирилиши, уларни мустақил фаолият юритиш кўникмаларига ўргатиш ижтимоийлашув жараёнининг бир шарти сифатида ота-оналардан катталик ҳамда ўзига ишонч ҳисси шаклланган шахсни камол топтиришни талаб этади. Болаларни доимий равишда тергаш, уларни камситиш уларда ўзига ишонч шаклланишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Ота-оналар ва болалар ўртасидаги бу тарздаги деструктив муносабат шакллари ўсмир шахси хусусиятлари, шунингдек, характер сифатлари шаклланишига салбий таъсир этиб, уларнинг жамиятга интеграциялашувидаги ички психологик қаршиликларни таъминлаши мумкин. Синалувчи ота-оналарда 47.3 фоизни мазкур шкаланинг қуйи кўрсаткичга эга эканлиги уларнинг кўпчилигида фарзандлари билан муносабати ҳурмат ва ишонч асосига қурилганидан дарак беради (1-расм ва 1 –жадвал). Демак, улар фарзандлари ёшига нисбатан имкониятларини тўғри баҳолайди, унга ишонади, унинг қизиқишлари, фикрлари, туйғуларига жиддий муносабатда бўлади.

Тадқиқот натижалари асосида синалувчи ота-оналарни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- болага нисбатан конструктив муносабатни намоён қилувчи ота-оналар(49%) ;
- болага нисбатан деструктив муносабат хусусиятидаги ота-оналар(43%).

Демак, ота-оналар томонидан бола шахсига нисбатан ўтказилган босим келгусида улар ўртасидаги “ота-она ва фарзанд” муносабатининг бузилишига олиб келиши мумкин. Авторитар гиперийжтимоийлашув босими остида тарбияланган болалар эса сўзсиз бўйсунадиган, камгап, хавотирлилик даражаси юқори бўлиб, ҳаётнинг кейинги босқичи муҳитига мослашувида ўзига хос муаммоларга дуч келишлари мумкин.

43% синалувчи ота-оналар болаларига бўлган муносабатда уларнинг қобилиятлари ва имкониятларига ишончлари йўқлигини юқори баллар орқали ҳамда омадсиз кичкинтой сифатидаги муносабатда бўлишлари орқали намоёиш қилдилар.

Шундай қилиб, ота-оналарнинг деструктив муносабати ўсмир шахси шаклланишида ҳамда келгусида муваффақиятли ижтимоийлашувида ички психологик тўсиқларни вужудга келтиради ва унинг оқибатида ўсмирларда характер акцентуациясининг у ёки бу тури шаклланишига сабаб бўлади.

3.2. Ўсмирларнинг оилавий ҳаётга муносабатлари ва характер акцентуациясини ўрганиш натижалари.

Тадқиқот ишида ўсмирларнинг ўз оилаларига бўлган муносабатларини аниқлаш учун “Оиладаги ҳаётга муносабат” методикаси бўйича маълумотлар олинди. Ушбу методика немис психологи Т.Шрайбер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, синалувчининг ўз оиласи, оила аъзолари, ота-оналари, умуман, оилавий ҳаётига нисбатан муносабатини аниқлаш имкониятини беради.

Методика шартига кўра болаларнинг оилага муносабати натижалари даражаси қанчалик юқори бўлса, синалувчиларнинг оилавий ҳаётга муносабати шунчалик ижобий эканлигини билдиради. Ва аксинча, паст кўрсаткич боланинг оиладагиларидан норози эканлигини, ота-онаси уни тушунмасликларини ифодалайди. Бундай болаларга жиддий эътибор бериш зарур, чунки улар ўзларига зарур муносабат, меҳр-мухаббатни оилада топмасалар, уни ташқаридан қидирадилар. Айнан ўсмирлик даврида бунинг оқибатида турли асоциал хулқ-атвори амалга оширишга мойил гуруҳларга аъзо бўлиб қолишлари мумкин. Бу эса ўз навбатида ўсмир шахсининг шаклланишига, унда салбий характер хислатларининг пайдо бўлишига, ўз-ўзини англашнинг сусайишига, ўзига паст баҳо беришга, ўзига ишончнинг етарли даражада бўлмаслигига сабаб бўлади.


Тадқиқотимиз давомида “Оилавий ҳаётга муносабат” методикаси бўйича олинган маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

Синалувчи ўсмирларнинг “Оиладаги ҳаётга муносабат” методикаси бўйича натижалари

3-жадвал

Ўсмирларнинг “Оилавий ҳаётга муносабат” турлари	Муносабат кўрсаткичлари (фоизда)
Ижобий	64
Салбий	28
Ўта салбий	8
Жами	100

Синалувчиларнинг оилавий ҳаётга муносабат турлари



3-расм

Олинган натижаларнинг далолат беришича, тадқиқотда иштирок этган ўсмир синалувчиларнинг кўпчилиги, яъни 64 фоизи оилавий ҳаётларига нисбатан ижобий муносабатдадирлар(3-расм). Демак, ушбу синалувчиларнинг ота-оналари билан, оиланинг бошқа аъзолари билан бўладиган ўзаро муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Қолган 28 фоиз синалувчилар эса оилавий муносабатлардан унчалик қониқмайдилар. 8 фоиз ўсмирларнинг ўз оилаларига бўлган муносабатлари салбий даражада. Бу эса ўсмирларнинг ота-

оналари билан муносабатларида бир-бирини тушуниш мавжуд эмаслигидан далолат беради(3-расм).

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ота-оналар авторитарлик асосида тарбияни олиб борадиган оилаларда фарзандларининг оилавий ҳаётга муносабатлари салбий эканлиги маълум бўлди. Буни 1- ва 2- жадвалларда келтирилган маълумотлардан ҳам кўриш мумкин.

Тадқиқот ишида ўсмирлардаги характер акцентуацияси ва унинг намоён бўлиш даражасини аниқлаш мақсадида Шмишек томонидан таклиф этилган “Ўсмирларда характер акцентуациясини аниқлаш” тест-сўровномаси қўлланилди. Тест-сўровнома асосини К.Леонгарднинг акцентуаллашган шахс концепцияси ташкил этади. К.Леонгард фикрича, акцентуация – бу ҳар бир инсонга хос бўлган баъзи бир индивидуал хусусиятларнинг “кучайиб кетиши” бўлиб, темперамент ва характер хусусиятларининг акцентуациясини фарқлаш мумкин.

Тест-сўровнома 10 та шкаладан тузилган 88 та саволдан иборат бўлиб, синалувчидан ушбу саволларга бўлган муносабатларини “ҳа” ёки “йўқ” тарзида ифодалаш талаб этилади. Ушбу методика бўйича синалувчида қуйидаги акцентуация типларини аниқлаш мумкин:

- гипертим;
- хавотирланувчи;
- дистим;
- расмий;
- қўзғалувчан;
- эмотив;
- ригид;
- намойишкор;
- циклоид;
- экзальтир.

Акцентуаллашган хусусиятларнинг ўзаро боғлиқликда келиши К.Леонгард назариясиги асосланган ҳолда махсус таҳлил қилинади. К.Леонгарднинг

акцентуация типлари инсонларнинг теъарак-атрофдагилар билан қандай мулоқот қилишларини аниқлашга хизмат қилади ва ўзгача мустақил характер типларини таклиф этади. Ҳар бир саволга жавоблар белгилаб бўлингач, ҳар бир шкалага тегишли бўлган саволларнинг бирламчи баллари алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади. Ушбу савол нечанчи шкалага тегишли эканлиги кўрсатилган “-“ белгиси кўйилган рақамлар “йўқ” жавобга тўғри келса, 1балл билан белгиланади.Шкала бўйича ҳосил бўлган бирламчи баллар коффицентга кўпайтирилади. Агар баллар йиғиндиси 12 баллдан ошса, характер акцентуациясининг намоён бўлиши кўринади.

Ушбу методика бўйича олинган маълумотлар 4-жадвалда акс эттирилган.


Тадқиқот натижасида олинган маълумотларга кўра энг намоён бўладиган типлар – гипертим, циклоид типлар бўлиб, улар ҳаракатчанлик, мулоқотчанлик, кўпгаплик, ҳаддан ортиқ мустақиллик (ўзбошимчилик), тўполончиликка мойиллик билан характерланадилар (62.5% ва 50%). Эмотив (37.5%) ва кўзғалувчан(37.5%) типлар юқори даражадаги эмпатияга эгалиги ҳамда ўз хулқ-атворини бошқаришдаги қийинчиликлар билан характерланади(4-расм).

Синалувчи ўсмирларнинг характер акцентуацияси кўрсаткичлари

4 - жадвал

Т.р.	Акцентуация типлари	Кўрсаткичлар (фоиз ҳисобида)
1.	Гипертим тип	62.5
2.	Расмий тип	25.0
3.	Эмотив тип	37.5
4.	Ригид (ўзгармас) тип	12.5
5.	Хавотирланувчан тип	25.0
6.	Циклоид тип	50.0
7.	Намойишкорона тип	12.5
8.	Кўзғалувчан тип	37.5
9.	Дистим тип	12.5
10.	Экзальтир тип	37.5

Синалувчиларнинг характер акцентуацияси кўрсаткичлари



4-расм

Олинган фоизларнинг 100 дан ортиқлиги барча ҳолатларда 2 ёки 3 тадан характер акцентуацияси мавжудлиги билан тушунтирилади. Битта синалувчида акцентуациянинг дистим типи устунлик қилади. Характер акцентуациясининг дистим типи учун характерли хусусият ғамгинлик бўлиб, уларда пессимистик кайфият устунлик қилади.

Тадқиқот натижаларига кўра синалувчиларнинг 37.5 фоизида экзальтир тип намоён бўлади(4-расм). Бу типдаги инсонлар характериға хос бўлган ижобий хислатлар хушчақчақлик, бағрикенглик, ҳамдардлик қила олиш бўлса, салбий хислатлар қаторига ваҳимачилик, кайфиятнинг вазиятга қараб тез ўзгарувчанлиги кабиларни киритиш мумкин. Бироқ, синалувчилар билан ўтказилган суҳбат натижаларининг далолат беришича, уларнинг хушчақчақлиги ва кулиб туриши намойишкорлик хусусиятиға эға.

Олинган маълумотларға кўра яна 37.5 фоиз синалувчилар учун акцентуациянинг қўзғалувчан типи хос(4-жадвал). Бу типдагилар мулоқотға кириша олмасликлари, мулоқотнинг вербал ва невербал турлари суёт ривожланганлиги билан характерланадилар. Кўпинча улар қовоғи солиқ ҳолда юрадилар, сурбетлик ва жанжалкашликка мойилдирлар. Жамоада бошқалар

билан чиқиша олмайдилар. Эмоционал кўзгалувчанлик ҳолатида сержаҳл, жиззаки, ўз хулқ-атворини бошқара олмайдилар.

Синалувчиларнинг 25.0 фоизида хавотирланувчанлик акцентуацияси кузатилади(4-жадвал). Улар мулоқотга киришимсиз, бўш, ўзига ишонмайдиган, маънос кайфият устунлик қилувчилардир. Жуда кам ҳолларда атрофдагилар билан келишмовчиликка борадилар ва улар кўпинча ҳазил учун манба бўлиб хизмат қиладилар.

Методика натижаларига кўра 12.5 фоиз синалувчилар намоёишкор типга мансубдирлар(4-жадвал). Бу типдаги инсонлар ўзларига ўта ишонувчанлиги ва ўзларини катта тутишлари билан атрофдагиларнинг ғашига тегадилар. Мунтазам равишда ўзлари келишмовчиликлар келтириб чиқарадилар. Улар характеридаги салбий жиҳатлар худбинлик, лаганбардорлик, мақтанчоғлик, ишёқмаслик, иккиюзламачилик.

Демак, оилада ота-оналарнинг фарзандларига бўлган муносабати айнан деструктив бўлган ўсмирлар характерида хавотирланувчанлик, дистим тип, кўзгалувчанлик типларига хос бўлган хусусиятлар намоён бўлиши кузатилди

3-боб бўйича хулосалар

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ота-оналар томонидан бола шахсига нисбатан ўтказилган босим келгусида улар ўртасидаги “ота-она ва фарзанд” муносабатининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Кўпчилик синалувчи ота-оналар (43фоиз) болаларига бўлган муносабатда уларнинг қобилиятлари ва имкониятларига ишончлари йўқлигини юқори баллар орқали ҳамда омадсиз кичкинтой сифатидаги муносабатда бўлишлари орқали намоёиш қилдилар.

Олинган натижаларнинг далолат беришича, тадқиқотда иштирок этган ўсмир синалувчиларнинг кўпчилиги, яъни 64 фоизи оилавий ҳаётларига нисбатан ижобий муносабатдадирлар. Демак, ушбу синалувчиларнинг ота-оналари билан, оиланинг бошқа аъзолари билан бўладиган ўзаро муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Қолган 28 фоиз синалувчилар эса

оилавий муносабатлардан унчалик қоникмайдилар. 8 фоиз ўсмирларнинг ўз оилаларига бўлган муносабатлари салбий даражада. Бу эса ўсмирларнинг ота-оналари билан муносабатларида бир-бирини тушуниш мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ота-оналар авторитарлик асосида тарбияни олиб борадиган оилаларда фарзандларининг оилавий ҳаётга муносабатлари салбий эканлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб, ота-оналарнинг деструктив муносабати ўсмир шахси шаклланишида ҳамда келгусида муваффақиятли ижтимоийлашувида ички психологик тўсиқларни вужудга келтиради ва унинг оқибатида ўсмирларда характер акцентуациясининг у ёки бу тури шаклланишига сабаб бўлади.

Демак, оилада ота-оналарнинг фарзандларига бўлган муносабати айнан деструктив бўлган ўсмирлар характерида хавотирланувчанлик, дистим тип, кўзғалувчанлик типларига хос бўлган хусусиятлар намоён бўлиши кузатилди.

Хулоса ва тавсиялар

Ўтказилган тадқиқот натижалари илгари сурилган илмий фаразнинг тўғри эканлигини исботлади. Олинган маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. “Ота-оналарнинг фарзандларига бўлган муносабатларини аниқлаш” методикаси натижаларига кўра, “Қабул қилиш-рад этиш” шкаласи бўйича 28.5 фоиз ота-оналар фарзандларига нисбатан деструктив муносабатни намоён қилдилар. Бу эса айнан мана шу ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан илиқ муносабатнинг етарли эмаслигидан далолат беради.
2. “Ҳамкорлик” шкаласи бўйича 27.3 фоиз ота-оналарда паст кўрсаткич кузатилади. Бу эса ота-оналар билан фарзандлар ўртасида зиддиятлар мавжудлигидан дарак беради. Ушбу зиддиятларнинг сабаби ўсмирларнинг имкониятларини тўғри баҳолай олмаслик, уларнинг ҳаётлари ва келажакларига эътиборсизлик, уларнинг интилишларини ҳурмат қилмаслик бўлиши мумкин.
3. “Назорат” шкаласи бўйича ота-оналарнинг 54.4 фоизи фарзандларига нисбатан авторитар муносабатда эканликлари аниқланди. Бу эса ота-оналарнинг фарзандларидан сўзсиз бўйсунишни ва интизомни талаб этишлари, ўз сўзларини ўтказишга мойилликлари, боланинг фикрини инобатга олмасликда намоён бўлади. Ушбу ҳолатлар эса ўсмирларнинг характер акцентуацияси типлари юага келиши омилларидан бири сифатида қаралиши мумкин.
4. Ота-оналар томонидан фарзандлари шахсига нисбатан ўтказилган босим улар ўртасидаги негатив муносабатларга олиб келишига сабаб бўлади.
5. Ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан деструктив муносабати ўсмир шахсини шаклланишида психологик тўсиқларни (ўзига бўлган ишончнинг пастлиги, жавобгарликни ҳис қилмаслик, характер акцентуацияси) вужудга келтиради.

6. “Оилавий ҳаётга муносабат” тести бўйича олинган маълумотларнинг кўрсатишича, тадқиқотда иштирок этган 28 фоиз ўсмирларнинг ўз оилавий ҳаётларига муносабатлари салбий, 8 фоизда ўта салбий эканлиги маълум бўлди. Бу эса ушбу синалувчиларнинг ота-оналари билан муносабатларида ўзаро бир-бирини тушуниш мавжуд эмаслигидан дарак беради.
7. Тадқиқотда қўлланилган “Ўсмирлар характер акцентуацияси аниқлаш” тести натижаларига кўра синалувчилар характер акцентуациялари асосан гипертим, хавотирлилик, қўзғалувчанлик билан боғланган.

Тадқиқот асосида қўлга киритилган маълумотлар асосида қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

- ота-оналар ўсмирлар билан бўладиган муносабатларида уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
- ўсмирлар билан муносабатларда авторитар услубдан воз кечиб, ўзаро бир-бирини тушунишга эришиш;
- ўсмирларнинг ота-оналари билан психологик оқартув – ташвиқот ишларини олиб бориш;
- “ота-она – фарзанд муносабатлари “ ни яхшилаш учун ота-оналар билан тренинг машғулотлари ўтказиш;
- ўсмирлар билан “шахсни ривожлантириш” бўйича психокоррекцион ва психологик маслаҳат ишларини ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997.
- 2.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.,2000.
- 3.Абу Али ибн Сино Тиб қонунлари.5жилдлик сайланма.4-жилд.Т.,1993.
- 4.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.Т.,1993.
5. Беличева С.А. Этот опасный возраст. М., 1992.
- 6.Божович Л.И. Личность и её формирование в детском возрасте. М.,1968.
- 7.Божович Л.И. Изучение детей и подростков. М., 1972.
- 8.Выготский Л.С. Развитие высших психических функций.М.,1960.
- 9.Гипперейтер Ю.Б. Общаться с ребенком. Как? М.,2005.
- 10.Колмжановский А.Е. Роль детско-родительских отношений в нервно психическом здоровье ребенка. М.,2003.
- 11.Кон И.С. Психология ранней юности. М.,1989.
- 12.Лисина М.И. Общение, личность и психика ребёнка. М., 2001.
- 13.Кочетов А.И., Верцинская н.н. Работа с трудными детьми. М.,1986.
- 14.Камилова Н.Г. Муаммоли ўсмир: ташхис, тадқиқот методлари. Т.,2004.
- 15.Кузмишина Т.Л.Поведение детей в ситуациях детско-родительского конфликта. ВП, 2007,№1.
- 16.Личко А.Е. Психопатии и акцентуации характера у подростков. Л.,1983.
- 17.Менделевич В.Д. Психология девиантного поведения. СПб.,2003.
- 18.Нурмухамедова Л.Ш. Шарқ мутафаккирлари оилада фарзанд тарбияси тўғрисида. Ҳалқ таълими. №4. Т., 2004.
- 19.Обухова Л.Ф. Возрастная психология. М.,2004.
- 20.Рахманова Д.Р. Ўсмирларда кўрқинч детерминацияси хусусиятларининг турли вазиятларда ривожланиши. Автореферат. Т., 2004.
- 21.Родители и дети. Психология взаимоотношений. Под.ред.Е.А.Савиной и Е.О.Смирновой. М., 2003.
- 22.Реан А. Развитие и социализация личности в семье. М.,2003.

- 23.Рогов И.Е. Настольная книга практического психолога.М.,2006.
- 24.Салаева Н. Хоразм оилаларининг этнопсихологик хусусиятлари. Автореферат..номзодлик диссер. Т.,2002.
- 25.Салаева М.С. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатларининг ижтимоий психологик хусусиятлари.Автореферат.Т.,2002.
- 26.Семья в психологической консультации. Под.ред.Бодалева А.А., Столина В.В. М.,1989.
- 27.Смирнова Л.А. Психология ребёнка и подростка. М.,1996.
- 25.Прихожан А.М., Толстых Н.Н. Подросток в учении и жизни. М..1990.
- 28.Реан А.А. Характерологические особенности подростков-делинквентов.ВП, 1991,№4.
- 29.Тўхлиев Б. Юсуф Ҳос Хожиб. Қутадғу билиг.Т.,1998.
- 30.Умарова М.М. Ўсмирларда оилавий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий психологик шарт-шароитлари.Автореферат,Т.,2004.
- 31.Файзиева М.Х. Оила барқарорлигида шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий психологик хусусияти. Автореферат. Т.,2005.
- 32.Эйдемиллер Э.Г., Юстицкий В. Психология и психотерапия семьи. СПб., 1999.
- 33.Қадирова А.Т. Ўсмирларда оилавий низолар тўғрисида ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши. Автореферат, Т.,2006.
- 34.Ғозиев Э.Ғ.Психология тарихи саҳифалари. Т., 2006.
- 35.Ғозиев Э.Ғ.Умумий психология. Т., 2002.

Ушбу малакавий битирув ишимизда оиладаги муносабат турларининг ўсмир ўз-ўзини баҳолашига ўрганиш мақсад қилиб қўйилди. Бу мақсадга эришиш учун, уни экспериментал ўрганиш учун тадқиқот ишлари олиб борилди. 3-бобнинг 1- параграфида тадқиқотимизда қўланилган методикалар тавсифи берилади.

Ушбу малакавий тадқиқот ишида ўсмирлик даврида характер акцентуацияси шаклланишига оилавий муносабатлар таъсирининг психологик хусусиятлари тадқиқ қилинган. Унда психологияда характер, характер акцентуацияси ва оилавий муносабатлар муаммосининг назарий жиҳатдан ўрганилганлиги таҳлил этилган. Шу билан бирга ўсмирлик даврида характер акцентуациясига оилавий муносабатларнинг таъсири психологик методикалар ёрдамида эксперимента тарзда ўрганилиб, улар асосида хулоса ва тавсиялар таклиф этилган.

Цель данной работы – изучить психологических особенностей влияния семейных отношений на формирование акцентуаций характера подростков. В работе делается теоретический анализ исследований проблем характера, акцентуаций характера и семейных отношений. А также с помощью психологических методик изучены стили отношений родителей с подростками, отношений подростков к семейной жизни и типы акцентуаций у подростков. На основе полученных результатов сделаны выводы и разработаны рекомендации для родителей и психологов.

Таянч тушунчалар

1. ability - қобилият, истеъдод, лаёқат
2. absent-mindedness - паришонхотирлик
3. activity - фаолият
4. adult - вояга етган (қиз, йигит)
5. age - ёш
6. anxiety - ташвиш, хавотир, ҳаяжон
7. attitude - муносабат
8. awareness - онг
9. character - характер
10. characteristic - тавсиф, таъриф
11. cognition - билиш
12. communication - коммуникация
13. education - таълим, тарбия
14. efficiency - самаралилик, ғайратлилик
15. ego - его
16. experience - тажриба
17. family psychology - оила психологияси
18. feature - хусусият
19. gender - жинс
20. habit - одат, кўникма
21. impression - таассурот
22. inborn - туғма
23. independence - мустақиллик
24. influence - таъсир
25. interpersonal relationships - шахлараро муносабатлар
26. involuntary - ихтиёрсиз, ўз-ўзидан
27. moral education - ахлоқий тарбия
28. personality - шахс
29. poll (polling) - сўроқ, сўраб чиқиш
30. psychics - психика
31. psychology - психология
32. responsibility - жавобгарлик, маъсулият
33. self-control - ўз-ўзини назорат қилиш
34. teenager - ўсмир
35. transient period - ўтиш даври
36. upbringing - тарбия
37. all-round development - ҳар томонлама ривожланган (шахс)

- 38.personal development - шахсни ривожланиши
- 39.personality - шахс, шахсий фазилатлар
- 40.psychology - психология
- 41.scientific - илмий
- 42.university student - университет талабаси
- 43.wisdom - билимдан унумли фойдаланиш.

1- илова

Шмишек тест – саволномаси ёрдамида ўсмирларнинг характер акцентуациясини аниклаш.

Тест – саволнома негизида К. Леонгарднинг шахс акцентуацияси концепцияси ётади. Шунга асосан акцентуациялар – бу ҳар бир инсонга хос бўлган баъзи бир индивидуал хусусиятларнинг «кескинлашган, уткирлашган» қуринишидир. К.Леонгард характер ва темпераментнинг уткирлашган хусусиятларини ажратади.

Тест 10 шкаладан иборат. Улар руйхат шаклида 88 саволни амалга оширади ва жавобларнинг «Ха» ёки «йук» икки вариантдан бирини танлаб жавоб беришини назарда тутлади.

Тест утказиш учун стандарт йурикнома билан тест буклети, шунингдек, стандарт жавоб варакаси бўлиши зарур. Жавоб варакасига ракам ёнига синалаётган жавоб вариантга мос тарзда «+» ёки «-» белгилари қуяди.

Калит билан саволлар руйхати.

1. Сен одатда хотиржам, қувнокмисан? (1).
2. Сен тез ҳафа бўлиб қоласанми? (1).
3. Тезда йиглаб юборишинг осонми? (6).
4. Уз ишингда хато бор-йуклигини қупинча текширасанми?. (4).
5. Синфдошларинг сингари қучлимисан? (-2)
6. Хурсандчиликдан гам-андугга ёки гам-андугдан хурсандчиликка осон қуча оласанми? (9).
7. Уйинларда етакчи бўлишни ёктирасанми? (8)
8. Ҳеч бир сабабсиз ҳаммага жаҳл қиладиган қунларинг бўладими? (5)
9. Сен жиддий одаммисан? (6)
10. Ҳаар доим уқитувчилар топширигини виждонан бажаришга интиласанми? (7)
11. Янги уйинлар топа оласанми? (1)
12. Қимнидир ҳафа қилган бўлсанг, тезда унутасанми? (-7)
13. Узингни меҳрибон деб ҳисоблайсанми? (6)
14. Почта қутисига хат ташлагач, хат почта қиррасига тикилиб қолдимикан, деб қулинг билан текшириб қурасанми? (4)
15. Мактабда, тугаракда, спорт секциясида энг олдинда бўлишга интиласанми? (8)
16. Қичкиналигингда момақалдирок ва итлардан қурқармидинг? (2)
17. Сени уртокларинг ута интилувчан ва тартибли деб ҳисоблашадими? (4)
18. Сенинг қайфиятинг уйдаги ва мактабдаги ишларга боғлиқ бўладими? (9)

19. Купчилик танишларинг сени яхши куради, деб айтиш мумкинми? (8)
20. Кунглингда нотинчлик булиб турадимми? (5)
21. Одатда бироз гамгин юрасанми? (3)
22. Аллам чека туриб, укириб йиглайсанми? (10)
23. Узок вақт бир жойда қолиш сен учун қийинми? (1)
24. Сенга ноҳақлик қилишганда уз ҳуқуқинг учун қурашасанми? (7)
25. Қачонлардир мушукларни роғатқадан мулжалга олганмисан (-6)
26. Парда ёки дастурхон қийшиқ турган бўлса, аччиқинг чиқадими? (4)
27. Болалигингда бир узинг уйда ёлғиз қолишдан қурқармидинг? (2)
28. Сабабсиз ҳурсанд ёки гамгин булиб турасанми? (9)
29. Синфингда энг яхши укувчининг биримисан? (8)
30. Тез-тез вақтичоғлик, майнабозчилик қилиб турасанми? (-3)
31. Жаҳлинг тез чиқадими? (5)
32. Баъзида узингни бахтиёр ҳис қиласанми? (10)
33. Болаларни ҳурсанд қила оласанми? (1)
34. Бирор киши ҳақида уйлаётган фикрингнинг ҳаммасини юзига айта оласанми? (7)
35. Кондан қурқасанми? (6)
36. Мактаб топшириқларини сидқидилдан бажарасанми? (-4)
37. Қимгадир ноҳақлик қилинган бўлса, унинг ёнини оласанми? (7)
38. Қоронғи бўм-бўш ҳонага қириш сен учун ёқимсизми? (2)
39. Тез ва ноаниқ ишдан қура, секинлик билан аниқ бажариладиган иш сенга маъқулми? (4)
40. Одамлар билан тез таниша оласанми? (9)
41. Қечаларда сидқидилдан сузга чиқасанми? (5)
42. Уйдан қочиб кетган пайтларинг бўлганми? (5)
43. Болалар ёки уқитувчилар билан бўлган жанжалдан кейин мактабга бормаслик даражасигача ҳафа бўлганмисан? (3)
44. Ҳаёт сенга оғир туюладими? (3)
45. Муваффақиятсизликка учраганингда уз устингдан қула оласанми? (1)
46. Агар жанжал сенинг айбингсиз чиққан бўлса, ярашишга интиласанми? (-7)
47. Хайвонларни яхши қурасанми? (6)
48. Уйдан кета туриб, бирор нарса қолиб кетмадимикан, деб текширгани қайтиб қирасанми? (4).
49. Сенга ёки сенинг қариндошларингга бирор нарса бўлгандек туюладими? (2)
50. Қайфиятинг об-ҳавога боғлиқ буладими? (9).
51. Саволга жавобни билсанг ҳам синфда жавоб беришга қийналасанми? -(-8)
52. Агар бирор кишидан жаҳлинг чиқса, ёқалашиб кетасанми (5)
53. Болалар орасида булиш сенга ёқадими? (-3)
54. Бирор ишни бажара олмасанг, умидсизликка тушасанми? (10)
55. Ишларни, уйинларни ташкил қила оласанми? (1)
56. Агар йулда қийинчиликка дуч келган бўлсанг ҳам, мақсад сари астойидил интиласанми? (7)
57. Кино қураётганингда ёки гамгин қитоб уқийганингда йиглаганмисан?

(6).

58. Бирор ташвишдан ухлашинг кийин буладими? (4)

59. Уртокларингга дарсда пичирлаб айтиб турасанми ёки кучириб олишга берасанми? (-7)

60. Коронги кучадан ёлгиз юришга куркасанми? (2)

61. Хар бир нарса жой-жойида булишини кузатасанми? (4)

62. Уйкуга яхши кайфият билан ётиб, ёмон кайфият билан уйгониш холлари буладими? (9)

63. Нотаниш болалар даврасида (Янги синф, лагерда) узингни эркин тутасанми? (8)

64. Бошинг тез-тез огриб турадими? (5)

65. Тез-тез кулиб турасанми? (-3)

66. Агар сен бирор кишини хурмат килмасанг, у билан турганингда уни хурмат килмаслигингни сездирмайсанми? (8)

67. Бир кун ичида куплаб хар хил ишларни кила оласанми? (7)

68. Табиатни севасанми? (7)

69. Уйдан кета тури беки ухлаш учун ёта туриб эшик кулфланганлигини, чирок учирилганлигини текширасанми? (2)

70. Сенга тез-тез нохалик килишадими? (6)

71. Узингни кандай одам деб хисоблайсан, куркокмисан? (2)

72. Байрам столи олдида кайфиятинг узгарадими? (9)

73. Драматик тугаракка катнашасанми, сахнага чикишни яхши курасанми? (8).

74. Сенда бесабаб маюс кайфият булиб, бунда хеч Ким билан гаплашинг келмайдиган холатларинг буладими? (5)

75. Келажакни маюслик билан уйлаган холатларинг буладими? (3)

76. Хурсандчиликдан гаминликка беҳосдан утиб колиш холлари буладими? (10)

77. Мехмонлар кайфини чоғ кила оласанми? (1)

78. Узок муддат хафа булиб юрасанми? (7)

79. Агар сенинг дустларинг билан фалокат юз берган булса, каттик ташвишланасанми? (6)

80. Хато туфайли дафтар варагини кайта кучирган булармидинг? (4)

81. Узингни ишонмайдиганлардан хисоблайсанми? (7)

82. Тез-тез дахшатли туш курасанми? (2)

83. Дерзадан сакраш ёки машина тагига узингни ташлаш хисси булганми? (4)

84. Атрофдагиларнинг хаммаси вактичоглик килаётган булса, сенинг вакинг хам чоғ буладими? (9)

85. Агар сенда кенгилсиз воқеалар содир булса, вакинчалик уларни унута оласанми, улар хакида доим уйламай юра оласанми? (8)

86. Кутилмаганда узингни тутолмасдан коласанми ва узингни одобсизларча тутасанми? (4)

87. Одатда камгап, жим юрадиганларданмисан? (3)

88. Драматик томошада, ролга шундай киришиб кетиб, хатто сахнадагидан бошкачарок одам эканлигингни унутиб куясанми? (8).

Натижаларни баҳолаш.

Хар бир саволга жавобларни белгила булгандан сунг, хар бир шкалага тегишли булган саволларнинг бирламчи баллари алохида-алохида хисоблаб чикилади (савол охирида Ушбу савол нечанчи шкалага тегишли эканлиги курсатилаг. («-» белгиси куйилган ракамлар сизнинг «йук» жавобингизга тугри келса, 1 балл билан белгиланади).

Шкала буйича хосил булган бирламчи баллар, жадвалда курсатилган коэффицентга купайтирилади. Агар хисоблаб чикилганда, баллар 12 баллдан ошса, характер акцентуациясининг намоён булиши куринади.

Шкала раками	Акцентуация типлари	Коэффициент	Бирламчи баллар	Акцентуация курсат-кичи бирламчи баллар-нинг коффициентига купайтирилгани
1	Гипертим	3		
2	Хавотирланувчи	3		
3	Дистим	3		
4	Расмий	2		
5	Кузгалувчан	3		
6	Эмотив	3		
7	Ригид	2		
8	Намойишкор	2		
9	Циклоид	3		
10	Экзальтр	6		

Акцентуаллашган хусусиятларнинг узаро биргаликдаги келиши К.Леонгард назариясига асосланган холда махсус анализ килинади. К.Леонгарднинг акцентуация типлари инсонларнинг теварак-атрофдагилар билан кандай мулокот килишларини аниклашга хизмат килади ва узгача (А.Е.Личконинг характер акцентуацияси типларидан фаркли уларок) мустакил характер типларини таклиф килади.

1. Гипертим тип.

Бу типдаги инсонлар жуда мулокатчан, сузамол, мимика, пантомимика ва жестларга жуда бой булади. Улар оиладаги ва иш жойидаги бурчларига маъсулиятсизлиги туфайли атрофдагилар билан келишмовчиликка борадилар. Ушбу типлаг и одамлар бошкарлар билан буладиган келишмовчиликларни узлари келтириб чикарадилар, ана шунда атрофдагилар танбех беришса, хафа буладилар. Уларнинг ижобий томонлари харакатчан, бирор бир фаолиятга

чанкок, ташаббускор. Салбий хусусиятлари: енгилтабиат, енгил хулк атворга моил, ута асабий, уз маъсулиятларига жиддий муносабатда булмайдилар.

- **Хавотирланувчан тип.**

Бу типдаги инсонлар мулоқотга киришимсиз, буш, узига ишонмайдиган, маюс кайфиятда юрувчилардир. Жуда кам ҳолатда атрофдагилар билан келишмовчиликка борадилар ва унда пассив иштирок этадилар. Келишмовчилик ҳолатларида узларига таянч ва ёрдам кидирадилар, чунки улар шунга муҳтож буладилар. Купинча уларда дустлик, уз-узларига танкидий куз билан караш каби ижобий хусусиятлари билан кузга ташланадилар. Лекин узини-узи ҳимоя қила олмаганлиги туфайли «итнинг кейинги оёғи» булиб юради. Бундай одамлар ҳазил учун манба булиб ҳисобланади.

- **Дистим тип.**

Бу типдаги инсонлар мулоқотга тез киришмайдиган, камгап, пессимистик кайфиятнинг устунлиги билан характерланадилар. Улар асосан уйда утиришни афзал курадилар, атрофдагилар билан камдан кам ҳолатда келишмовчиликка борадилар, чегараланган ҳаёт тарзида яшайдилар. Улар узлари билан дустлашганларни жуда кадрлайдилар ва уларга буйсинишга тайёрдирлар. Ижобий ҳислатлари: жиддий, пок, виждонли, ута адолатли. Салбий ҳислатлари: фаол эмас, фикрлаш қобилияти суст, кам ҳаракат.

4.Расмий тип.

Келишмовчиликларга жуда кам ҳолатларда киришади, фаол қатнашмайди. Атрофдагиларга формал талаблар қуйиб, хизматда узини бюрократ сифатида тутати. Шу билан бирга сардорликни бошқаларга осонликча топширади. Баъзида ута саранжомликни даъво қилиш билан бошқаларнинг гашига тегади. Ижобий ҳислатлари: пок виждонли, сарамжон, жиддий, синчков, ишга умид билан қаровчи. Салбий ҳислатлари: сержахл, қогозбоз, эзма, насиҳатқуй, ута расмиятчи.

5. Кузгалувчан тип.

Бу типдаги одамлар мулоқотга киришимсиз, уларда мулоқотнинг вербал ва новербал турлари суст ривожланган. Купинча улар қоғоги солиқ юрадилар, сурбетлик, жанжалқашлик хусусиятларига мойилдирлар, бунга узлари шундай муҳит яратадилар. Ҷамоадаги инсонлар билан қикиша олмайдилар, оилада ҳукмронлар. Эмоционал тургун ҳолатларда купинча виждонли, саранжом, ҳайвонларни ва болаларни севувчидирлар. Шунингдек, эмоционал кузгалувчан ҳолатларда сержахл, жиззақи, уз ҳулк-атворини бошқара олмайдиган хусусиятларга эгадирлар.

6. Эмотив (ута ҳиссиётли) тип.

Бу типдаги инсонлар «ярим гапи»дан уларни тушуниб оладиган, улар билан яхши муносабатлар урнатадиган, танланган, тор доирадаги одамлар билан мулоқотда булишни ҳуш қурувчилардир. Келишмовчиликларга камдан-кам сабабчи буладилар ва бунда пассив иштирок этадилар. Ичларида кек саклайдилар. Ижобий хусусиятлари – меҳрибон, ҳамдард, узгаларнинг муваффақиятларига шерик, уз бурчларига ута содиқ. Салбий томонлари – ута ҳиссиётли, йиглок.

7. Ригид (узгармас) тип.

Ушбу тип хусусиятларига хос одамлар мулоқотга уртача киришимли, насихатгуй, купинча кам гапирадилар. Келишмовчиликларда улар ташаббускор булиб фаол катнашишга ҳаракат қиладилар. Бу инсонлар узларига талабча. Айниқса, ижтимоий адолатни чуқур ҳис этадиган, шу билан бирга кунгли нозик, аразчи, шубҳа билан қаровчи, қасосқордирлар. Баъзида узларига жуда ишонувчан, ҳақиқатгуй, раҳмчи ҳамдирлар, қул остидаги инсонларга ва яқинларга ута талабчандир.

8. Намойишқор тип.

Бу типдаги инсонлар бошқалар билан осонликча мулоқотга киришиб кетиш, сардорликка интилиш, лавозим ва мактовларга қанқоклик хусусиятлари билан тез киришиб кета олиш хусусиятини намоёиш қила олади, шу билан бирга иккиюзламачиликка мойил. Бу типдаги инсонлар узига ута ишонувчанликлари ва узларини қатта тутишлари билан қелишмовчиликлар қелтириб қиқарадилар, лекин бунда фаол ҳимоя қила оладилар. Сухбатдош учун мулоқотда ёқимли хусусиятлари: турли вазиятлардан қиқиб кетишлик, артистлик, бошқаларни узига жалб қила олишлик. Узидан итарувчи сифатлари: эгоистлик, лаганбардорлик, мактанқоклик, ишёқмаслик.

9. Циклоид тип.

Бу типдаги инсонларнинг қайфиятлари тез-тез узғариб туриши натижасида, атрофдагиларга булган муносабати ҳам узгарувчандир. Улар шу пайтда узларини гипертимларга ухшаб тутадилар. Қутаринки қайфиятда булганларида мулоқотга қиришувча, тушқунлик қайфиятда мулоқотга қиришмайдиган, индамас хусусиятларга эгадирлар. Шундай қайфиятда дистим типдагиларга ухшаб кетадилар.

10. Эқзальтир типлар.

Бу типдаги инсонлар мулоқотга ута қиришимли, серган, қунгилчан. Купинча бундай одамлар бахслашадилар, лекин бахсни очикдан-очик қелишмовчиликларга олиб бормайдилар. Қелишмовчилик вазиятларда ҳам пассив, ҳам актив булишлари мумкин. Шу билан бирга улар дустлари ва яқинларига гамхур, меҳрибон ва уларга боғланиб қолганлар.

"Ота-оналарнинг болаларга бўлган муносабати"

тест-сўровномаси

(А Я.Варга, В. В. Столин)

Ушбу тест-сўровнома ота-оналарнинг ўз фарзандларига бўлган муносабатларини аниқлаш учун қўлланиладиган психодиагностик восита.

Ота-оналарнинг ўз фарзандларига бўлган муносабати катталарнинг болаларга нисбатан турли-туман хиссиёт ва хулқ-атворлари тизими сифатида тушунилади. Психологик нуқтаи-назардан қаралганда ота-оналарнинг ўз фарзандларига муносабати бу болаларга нисбатан ўрнатиладиган педагогик ижтимоий установка бўлиб, ўз ичига рационал, эмоционал ва хулқ-атвор компонентларини олади. Бу компонентлар у ёки бу даражада ушбу методиканинг асосини ташкил қилувчи сўровнома ёрдамида баҳоланади. Р.С.Немов томонидан айрим терминларни қўллаш, олинган натижаларни қайта ишлаш ва тавсифлашга бир оз ўзгартиришлар киритилган.

Методика 61 та саволдан тузилган бўлиб, улар ота-оналар муносабатини ифодаловчи 5 та шкаладан иборат:

1. *Болани қабул қилиш* - рад килиш. Бу шкала болага нисбатан умумий эмоционал ижобий (қабул қилиш) ёки эмоционал салбий (рад килиш) муносабатни ифодалайди.
2. *Кооперация*. Бу шкала катталарнинг бола билан ҳамкорлик қилишга интилишини, унинг ишларига қизиқиши ва уларда иштирок этишини ифодалайди.
3. *Симбиоз*. Бу шкала саволлари катталар бола билан бирлашишга интилиши ёки масофани сақлаб қолишга ҳаракат қилишини аниқлашга йўналтирилган. Бу бола билан катталарнинг ўзига хос алоқаси.

4. Назорат. Бу шкала катталар бола хулқ - атворини қандай назорат қилишлари, бола билан бўлаётган муносабатлари демократик ёки авторитар услубда қурилишини характерлайди.

5. *Боланинг омадсизликларга муносабат.* Бу сўнгги шкала катталар боланинг қобилиятлари, устунликлари ва камчиликларига, муваффақият ва омадсизликларига қандай муносабатда эканликларини кўрсатади.

Сўровнома

"Ҳа" ёки "йўқ" жавоби берилиши сўралади.

1. Мен доимо ўз фарзандимга хайрихоҳлик билдираман.
2. Фарзандим нима тўғрисида ўйлаётганлигини билишни ўз бурчим деб ҳисоблайман.
3. Мен ўз фарзандимни ҳурмат қиламан.
4. Фикримча, фарзандимнинг хулқ-атвори нормадан сезиларли даражада оғишган.
5. Агар реал ҳаётий муаммолар болага жароҳат етказса, бу муаммолардан болани четроқ ушлаш зарур.
6. Мен фарзандимга нисбатан мойиллигимни ҳис қиламан.
7. Яхши ота-оналар болани ҳаёт қийинчиликларидан ҳимоя қиладилар.
8. Фарзандим кўпинча мен учун ёқимсиз.
9. Мен доимо ўз фарзандимга ёрдам беришга ҳаракат қиламан.
10. Шундай ҳолатлар бўладики, болани таҳқирлаш (хўрлаш) унга кўпроқ фойда келтиради.
11. Мен фарзандимга нисбатан ачинишни ҳис қиламан.
12. Фарзандим ҳаётда ҳеч нарсага эриша олмайди.
13. Менимча, болалар фарзандимни эрмак (майна) қиладилар.
14. Менинг фарзандим кўпинча шундай ҳатти-харакатларни амалга оширадики, улар нафратланишдан бошқа ҳеч нарсага арзимайди.
15. Ўзининг ёшига нисбатан фарзандим биров орқада.
16. Фарзандим мени хафа қилиш учун атайлаб ўзини ёмон тутди.

17. Фарзандим барча ёмон нарсаларни ўзига сингдириб олади.
18. Ҳар қанча уринсам ҳам, фарзандимни яхши хулқ-атворга ўргатиш жуда мушкул.
19. Болани қаттиқ чегара(қолип)да сақласагина, ундан инсофли одам ўсиб-улғайиши мумкин.
20. Фарзандимнинг ўртоқлари уйимизга келишини ёқтираман.
21. Фарзандим ишларида иштирок этаман.
22. Фарзандимга барча ёмон қилиқлар "ёпишиб" қолади.
23. Фарзандим ҳаётда муваффақиятга эришмайди.
24. Танишлар даврасида болалар тўғрисида гап кетса, менда озгина уялиш пайдо бўлади, чунки болам мен ҳоҳлагандек ақлли ва қобилиятли эмас.
25. Мен ўз фарзандимга ачинаман.
26. Агар ўз фарзандимни тенгдошлари билан солиштирсам, улар хулқ-атворлари ва фикр-мулоҳазаларига кўра каттароқдек бўлиб туюладилар.
27. Бўш вақтимни бажонидил фарзандим билан ўтказаман.
28. Кўпинча мен фарзандим катта бўлиб қолаётганлигига ачинаман ва унинг болалигини меҳр- муҳаббат билан эслайман.
29. Мен кўпинча фарзандимга бўлган муносабатларда адоват (душманлик)ни ҳис қиламан.
30. Мен ҳаётда эриша олмаган нарсаларга фарзандим эришиши ҳақида орзу қиламан.
31. Ота-оналар фақат фарзандларидан талаб қилиб қолмай, балки ўзлари уларга мослашишлари зарур.
32. Фарзандимнинг барча илтимосларини бажаришга ҳаракат қиламан.
33. Оилавий қарор чиқаришда бола фикрини ҳам инобатга олиш керак.
34. Фарзандим ҳаётига жуда қизиқаман.
35. Фарзандим билан низо келиб чиқса, кўпинча у ўзича ҳақ эканлигини тан олишим мумкин.
36. Ота-оналар ҳам янглишишлари мумкинлигини болалар жуда эрта биладилар.

37. Мен доимо фарзандим фикрлари билан ҳисоблашаман.
38. Фарзандимга нисбатан дўстлик муносабатларини ҳис қиламан.
39. Фарзандим инжиқликларининг асосий сабаби - эгоизм, кайсарлик ва дангасалик.
40. Агар таътилни бола билаи бирга ўтказилса, зарур, нормал даражада дам олиш мумкин эмас.
41. Энг муҳими фарзандим учун тинч ва ташвишсиз болалик, қолган барча нарсалар аҳамиятсиз.
42. Баъзида менга фарзандим ҳеч қандай яхши нарсага ноқобилдек бўлиб туюлади.
43. Фарзандимнинг қизиқишлари билан бўлишишаман.
44. Фарзандим ҳар қандай одамнинг ҳам жаҳлини чиқара олиши мумкин.
45. Фарзандимнинг ташвишларини тушуна оламан.
46. Фарзандим кўпинча менинг жаҳлимни чиқаради.
47. Болани тарбиялаш-факат асабнинг бузилиши.
48. Болаликдаги қатъий (кучли) интизом ҳаракатларни ривожлантиради.
49. Фарзандимга ишонмайман.
50. Қаттиққўллик билан амалга оширилган тарбия учун болалар кейинчалик миннатдор бўладилар.
51. Баъзида менга ўз фарзандимни ёқтирмайдигандек бўлиб туюлади.
52. Фарзандимда устунликларга қараганда камчиликлар йўқ.
53. Фарзандимнинг қизиқишлари билан ўртоқлашаман.
54. Мени фарзандим ҳеч нарсани мустакил равишда бажара олмайди ёки бунга ҳаракат қилса ҳам уйдасидан чиқа олмайди.
55. Фарзандим ҳаётга мослашган ҳолда улғаяди.
56. Фарзандим қандай бўлса шундай ёқади.
57. Фарзандим соғлигини зимдан кузатиб бораман.
58. Кўпинча мен фарзандимдан фахрланаман.
59. Бола ота-онасидан ҳеч нарсани сир сақламаслиги керак.
60. Мен фарзандим қобилиятлари тўғрисида юкори фикрда эмасман ва бун

ундан яширмайман.

61. Бола ота-онасига ёқадиган ўртоклар билан дўстлашса, мақсадга мувофиқ бўлади.